БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 249 (16.332). | 24 октябрь 1975 йил, жума | Баҳоси 2 тийин.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ЎРТОҚ Д. ЛАЗАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев расмий дўстона визит билан Совет Иттифоқига келган Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг, аъзоси, Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Д. Лазарни 22 октябрда қабул қилди.

Самимий, ўртоқларча вазиятда ўтган суҳбат чоғида улар ҳар иккала мамлакатда социалистик ва коммунистик қурилишнинг бориши тўғрисида бир-бирларига ахборот беришди. КПСС билан ВСИП ўртасида, Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида ҳартарафлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, совет ва венгер халқлари ўртасида қардошларча дўстликни мустаҳкамлаш масалалари қараб чиқилди. Ўртоқ Л. И. Брежнев совет кишилари КПСС XXIV съезди қарорларини қандай бажараётганликлари тўғрисида ва КПССнинг XXV съездига тайёргарлик тўғрисида сўзлаб берди. Ўз навбатида ўртоқ Д. Лазар Венгрия меҳнаткашлари ВСИП XI съезди қўйган вазифаларни қандай бажараётганликлари, мамлакатнинг навбатдаги халқ хўжалик планларини бажариш учун нималар қилаётганликлари ҳақида ахборот берди.

Суҳбат давомида ташқи сиёсатга доир баъзи муҳим проблемалар, халқаро муносабатларда кескинликни юмшатишни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун, тинчлик ва социализм учун кураш йўлидаги вазифалар муҳокама қилинди. Л. И. Брежнев билан Д. Лазар ўртоқлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишлаб Хельсинкида ўтказилган кенгаш давлатларнинг тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, кескинликни юмшатиш жараёнига муқаррар таъсир бериш йўлидаги харакатлари учун янги давр очиб берганлигини уқтириб ўтдилар.

Фикрлашув КПСС билан ВСИПнинг, ҳар иккала мамлакат ҳукуматларининг муҳокама қилинган барча масалалар хусусида тамомила бир фикрда эканликларини яна таъкидлади.

(ТАСС).

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР

ҲАР БИР ФУРСАТ ҒАНИМАТ!

ЗАФАРИНГИЗ МУБОРАК!

ҚҚ АССР ВА СИРДАРЁ ОБЛАСТИ ПАХТАКОРЛАРИ ПЛАННИ БАЖАРДИЛАР

Қорақалпоғистон Автоном республикаси меҳнаткашлари КПСС XXV съезди шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан илгари, 22 октябрда бажардилар. Давлат пунктларига 330 минг тонна — планнинг 100,03 процента миқдорида пахта етказиб берилди. Беш йиллик халқ хўжалик плани 107 процент бажарилди. Беш йил ичида давлатга 1.631 минг тонна, шу жумладан пландан ташқари 107 минг тонна пахта сотилди.

Автоном республиканинг барча районлари пахта тайёрлаш планини бажаришга катта ҳисса қўшдилар. Тўртқўл, Шуманай, Хўжайли, Бируний, ва Амударё районларининг пахтакорлари планни биринчи бўлиб бажардилар ва пахта теришни ҳамда социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширишни давом эттирмоқдалар.

Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашлари етиштирилган барча пахта ҳосилини қисқа муддат ичида нобуд қилмай териб олишга, давлатга илгари қабул қилинган мажбуриятдан 50 минг тонна кўп, жами 400 минг тоннагача пахта топширишга аҳд қилдилар. Улар бошқа қишлоқ хўжалик экинларини йиғиб-териб олиш ва 1976 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида тамомлашга, чорва моллари қишловини муваффақиятли ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар.

Сирдарё областининг меҳнаткашлари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини бажара бориб, 1975 йилги юксак мажбуриятларини бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан илгари, 23 октябрда бажардилар. Давлат тайёрлов пунктларига 270 минг тонна пахта етказиб берилди. 215 минг тонна пахта ёки давлатга топширилган жами пахтанинг 80 процента пахта териш машиналари билан териб олинди. Беш йиллик халқ хўжалик плани 121,8 процент бажарилди. Беш йил мобайнида давлатга 2158,7 минг тонна, шу жумладан пландан ташқари 387,2 минг тонна пахта сотилди.

Оқолтин, Ҳовос ва Сирдарё районларининг дала меҳнатчилари пахта тайёрлаш планини бажарганликлари тўғрисида областда биринчи бўлиб рапорт бердилар. Ҳозир улар социалистик мажбуриятлари ҳисобига пахта терими ва уни давлатга топширишни давом эттирмоқдалар.

Сирдарё областининг пахтакорлари етиштирилган бутун пахта ҳосилини қисқа муддатларда ва сира нобуд қилмай йиғиб-териб олиш, давлатга топшириладиган пахта миқдорини 350 минг тоннага етказиш, бошқа қишлоқ хўжалик экинларини йиғиштириб олишни ва келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўз вақтида тугаллаш, чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказиш мажбуриятини олдилар.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

✦ ТЕРИМ ИЛГОРЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ!

✦ ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ САМАРАСИ

✦ НАВБАТ — МАЖБУРИЯТГА

ВХР ҲУКУМАТИ БОШЛИҒИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИДА БЎЛИШИ

22 октябрда Кремлда Венгрия Халқ Республикасидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баъзи турларини 1990 йилгача СССРга етказиб бериш тўғрисида узоқ муддатли битим имзоланди. Венгрия шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда.

Совет томонидан ҳужжатни — СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. А. Лесечко, Венгрия томонидан — ВХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Д. Секер имзоладилар.

Шартномани имзолаш чоғида Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Қишлоқ хўжалиги министри Д. С. Полянский, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари ва бошқалар ҳозир бўлдилар; Венгрия томонидан — ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси Д. Лазар, бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

* * *

Ўртоқ Д. Лазар Москвадаги ВХР элчихонасида қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Совет томонидан А. Н. Косигин, Д. С. Полянский, М. С. Соломенцев ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР Министрлари, бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Венгрия томонидан Д. Лазарнинг сафарида унга ҳамроҳ бўлиб келган ВХР давлат арбоблари қатнашдилар.

Қабул маросими вақтида Д. Лазар билан А. Н. Косигин ўртоқлар нутқ сўзлаб, дўстона қадаҳ кўтардилар.

* * *

Шу куни Д. Лазар В. И. Ленин мавзолейини зиёрат қилди ва гулчамбар қўйди.

У бир минут сукут сақлаб жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси, бутун дунё меҳнаткашларининг йўлбошчисини ҳурмат билан эсга олди.

Д. Лазар фашист босқинчиларига қарши, совет ва бошқа халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашда жонини фидо қилган совет жангчиларига ўзининг чуқур ҳурмат-эҳтиромини изҳор қилди. У Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйди.

* * *

Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Дьердь Лазар 23 октябрда Москвадан Ленинградга жўнаб кетди.

Венгрия Халқ Республикаси ва СССР байроқлари билан безатилган аэродромда Д. Лазарни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. С. Соломенцев ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолишди.

Аэродромда Москва меҳнаткашларининг вакиллари ҳурматли меҳмонни самимий кузатиб қўйдилар.

Учиш майдонида фахрий қоровул саф тортди, ВХР ва СССР Давлат гимнлари ижро этилди.

А. Н. Косигин ва Д. Лазар ўртоқлар совет жангчилари сафи олдидан ўтдилар.

Д. Лазар билан бирга унинг сафарида ҳамроҳ бўлиб келган Венгрия давлат арбоблари, шунингдек Венгрия Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси Дьюла Рапан ҳам жўнаб кетишди.

Д. Лазар ва унинг ҳамроҳлари шу куни Ленинградга келдилар.

(ТАСС).

ПАХТАКОРЛАРНИНГ РАПОРТИ

Тошкент областидаги Бекобод районининг, Қорақалпоғистон АССРдаги Бируний, Хўжайли ва Амударё районларининг, Наманган областидаги Норин ва Тўрақўрғон районларининг пахтакорлари тўқкизничи беш йиллигининг якунловчи йили юксак мажбуриятларини бажариш учун ўтказилаётган социалистик мусобақани кенг авж олдириб, пахта тайёрлаш халқ хўжалик планларини муддатидан илгари, 22 октябрда ва Сирдарё областидаги Сирдарё районининг пахтакорлари 23 октябрда бажардилар.

Бу йил Бекобод районининг пахтакорлари давлат тайёрлов пунктларига 51,4 минг тонна, Бируний районининг пахтакорлари 42,3 минг тонна, Хўжайли районининг пахтакорлари 27,0 минг тонна, Амударё районининг пахтакорлари 48,3 минг тонна, Норин районининг пахтакорлари 35,3 минг тонна, Тўрақўрғон районининг пахтакорлари 32,9 минг тонна, Сирдарё районининг пахтакорлари 39,15 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар.

Бекобод района ни хўжаликлари пахта тайёрлаш беш йиллик планини 111,5 процент, Бируний райони хўжаликлари 109 процент, Хўжайли райони хўжаликлари 113,8 процент, Амударё райони хўжаликлари 105,5 процент, Норин райони хўжаликлари 108,9 процент, Тўрақўрғон райони хўжаликлари 104,8 процент, Сирдарё райони хўжаликлари 119 процент бажардилар.

Бекобод районидаги «Победа», Навоий номли, Ленин номли, «Коммунизм» колхозлари, 2-«Далварзин» совхози; Бируний районидаги Охунбобоев номли совхоз, Навоий номли, Махтумқули номли колхозлар; Хўжайли районидаги Ленин номли, «Коммунизм» колхозлари, «Амударё» совхози; Амударё районидаги Тельман номли, «Партия XXII съезди» колхозлари, М. Горький номли совхоз; Норин районидаги «Октябрь», Энгельс номли, «Пахтакор», «Коммунизм», «Победа», К. Маркс номли колхозлар; Тўрақўрғон районидаги К. Маркс номли, «Шарқ юлдузи», «Ўзбекистон» «Намуна», «Москва» колхозлари; Сирдарё районидаги Ленин номли, Охунбобоев номли, Ильич номли, «Ленинград» колхозларининг меҳнатчилари пахта тайёрлаш планини ўз районларида биринчи бўлиб бажариб, йиғим-теримни кучайтириб социалистик мажбуриятлари ҳисобига давлатга пахта топширишни давом эттирмоқдалар.

Бекобод районининг қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, хўжаликларда ялпи пахта етиштиришни 58 минг тоннага, бирунияликлар 50 минг тоннага, хўжайлиликлар 35 минг тоннага, амударёликлар 55 минг тоннага, норинликлар 43 минг тоннага, тўрақўрғонликлар 37 минг тоннага, сирдарёликлар 60 минг тоннага етказиш, Бекобод райони пландан ташқари қўшимча равишда давлатга 6,6 минг тонна, Бируний райони 7,7 минг тонна, Хўжайли райони 8 минг тонна, Амударё райони 6,7 минг тонна, Норин райони 7,7 минг тонна, Тўрақўрғон райони 4,1 минг тонна, Сирдарё райони 20,8 минг тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олдилар. Қишлоқ меҳнатчилари барча қишлоқ хўжалик экинларини йиғиштириб олишга, 1976 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни қисқа муддатларда тугаллашга, чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказишга интилмоқдалар.

1975 5.200.000 ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 23 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Областлар	Бир кунда	мавсум бошидан	шу жумладан машинада: бир кунда	мавсум бошидан
ТОШКЕНТ	1,19	104,68	0,95	104,15
АНДИЖОН	0,60	103,07	1,00	86,01
ҚҚАССР	1,43	100,03	2,15	85,97
Сирдарё	1,67	98,74	1,36	103,55
Сурхондарё	0,89	93,99	0,81	88,83
Фарғона	0,73	93,78	1,48	70,97
Наманган	0,90	93,04	0,95	81,01
Хоразм	1,05	88,82	0,93	52,49
Қашқадарё	0,85	87,28	0,75	56,58
Жиззах	1,14	84,22	0,30	73,31
Самарқанд	1,09	81,96	0,98	52,13
Бухоро	0,58	65,97	0,15	15,94
Республика бўйича:	0,96	91,05	0,99	73,01
Шу жумладан нигичка толали пахта:				
НАМАНГАН	1,53	145,58		
Сурхондарё	1,19	85,60		
Бухоро	1,02	83,74		
Қашқадарё	1,23	70,88		
Республика бўйича:	1,21	83,74		

Венера планетасининг сунъий йўлдоши — «Венера-9» автомат станциясининг ичига В. И. Ленин барельефи туширилган вимпел ўрнатилган. Шунингдек туширилувчи аппаратда СССР Давлат гербининг тасвири ишланган вимпел ўрнатилган. Суратларда: СССР герби ва В. И. Ленин барельефининг тасвирлари.

(ТАСС фотохроникаси).

КАСАБА СОЮЗ ҲАРАКАТИНИНГ БИРЛИГИ УЧУН

Осиё ва Океания мамлакатлари металлистлари касаба союзлари вакилларининг маслаҳат учрашуви 23 октябрда Москвада, Ўзбекистон пойтахтида ўз ишини тамомлади. Учрашув қатнашчилари қабул қилган ахборотда Совет Иттифоқида бўлган чоғларида ўз ўрталарида ўтган маслаҳатлар дўстона, ошкора ва конструктив характер касб этиб, Осиё ва Океания мамлакатлари металлистлари касаба союзлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтдилар.

Учрашув қатнашчилари қабул қилган баёнотда, бундай дейилади: Осиё ва Океания металлистлари касаба союзларининг Тошкентда тўпланган вакиллари Чилидаги фашист режимини шу мамлакатларнинг миллион-миллион меҳнаткашлари, касаба союз аъзолари номидан қоралаб, франкочилар испаниялик беш нафар ёш ватанпарварни қатл қилганликларидан даргазаб бўлганликларини изҳор этдилар. Баёнотда реакцияга ва фашист кучларга қарши, ўз мамлакатларининг демократик келажаги учун мардонавор кураш олиб бораётган Чили, Португалия, Испания ишчилар синфи, барча меҳнаткашлари ва демократлари билан бирдам эканликлари изҳор этилган. (ЎзТАГ).

МИЛЛИОНЛАРНИНГ ЎЗАРО АЛОҚА ТИЛИ

Тошкентда 23 октябрь куни мамлакат «Мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида рус тилини ўрганиш ҳамда ўқитиш тажрибаси»га бағишланган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси ўз ишини тамомлади. Бу конференция СССР Фанлар академияси, СССР Маориф, Олий ва ўрта махсус таълим министрликлари ҳамда Ўзбекистон ССРнинг ана шундай министрликлари томонидан ташкил этилган эди.

Конференцияда олимлар, рус тили ва адабиёти ўқитувчилари, халқ маорифининг раҳбарлари, иттифоқдош ва автоном республикалар партия, совет органларининг масъул ходимлари қатнашдилар. Уч кун мобайнида ялпи мажлисларда ва секцияларда —ўрта мактабда рус тилини дастлабки ўрганиш, рус тилини ўқитиш методикаси, олий ўқув юртларида рус тилини ўқитиш методикаси, рус лингводидактикасининг умумий проблемалари, миллий мактабларда, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида рус тилини ўқитишни йўлга қўйишнинг ташкилий-педагогик проблемалари юзасидан секцияларда конференция иштирокчилари орттирган тажрибаларини ўртоқлашдилар. Совет Иттифоқидаги барча миллатлар ва элатларнинг ўзаро алоқа ва ҳамкорлик қилиш воситаси—рус тилини ўрганиш жараёнининг самарадорлигини янада ошириш, унинг мазмунини янада чуқурлаштиришнинг муҳим масалаларини муҳокама қилдилар.

Секцияларнинг раҳбарлари қилинган иш натижалари тўғрисида якунловчи ялпи мажлисда сўзлаб бердилар. Миллий мактабларда, ўрта махсус ўқув юртлари ва олий ўқув юртларида рус тилини ўрганиш ва ўқитишни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар қабул қилинди.

СССР маориф министри М. А. Прокофьев конференция натижаларини умумлаштириб, ўзининг якунловчи нутқида бундай деди:

— Мазкур илмий-амалий конференцияни ташкил этиш вақтида кўзда тутилган мақсадга тўла-тўкис эришилди. Проблемаларни муҳокама этиш қабул қилинган ҳужжатларда ўз ифодасини топган асосий вазифаларни кўрсатиб бериш имкониятини тутгидри. Булардан энг муҳимлари миллий мактабларимизда, жумладан, Ўзбекистонда рус тилини ўқитиш борасида орттирилган бой тажрибани чуқур ўрганиш ва оммалаштиришдан, ўқитувчи кадрларни тайёрлаш сифатини яхшилашдан, рус тилини ўқитиш моддий-техника базасини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Конференция ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтди. Конференцияда қилинган докладларда, иштирокчиларнинг нутқларида орттирилган тажриба умумлаштирибгина қолинмасдан, балки кўпгина қимматли таклифлар ҳам изҳор этилдики, бу таклифларнинг амалга оширилиши мамлакат ўқув юртларида рус тилини ўқитиш савиясини янада юқори кўтариш имкониятини беради. Конференция материаллари ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашни кучайтиришнинг амалий воситаси бўлиб хизмат қилади.

Конференция иштирокчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети номига яқдиллик билан табрикнома қабул қилдилар.

«Мамлакат мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида рус тилини ўрганиш ҳамда ўқитиш тажрибаси»га бағишланган илмий-амалий конференция ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар П. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Ҳудойбердиев, Г. М. Орлов, Н. Маҳмудов, А. А. Ҳўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Г. А. Габриельянц, М. Т. Турсунов, А. Р. Ҳўжаев, КПСС Марказий Комитетининг сектор мудири Н. С. Колесников, КПСС Марказий Комитетининг инструктори В. Т. Петров иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

НАМУНАЛИ ИНТИЗОМ ВА СОЦИАЛИСТИК ҚОНУНЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН

23 октябрь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги органлари ва бўлинмалари раҳбар ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш иштирокчилари давлат интизомини ҳамда социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш тадбирларини муҳокама қилдилар. Кенгашда республика ички ишлар министри Х. Х. Яҳёев доклад қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов кенгашда нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ДОН—ДАВЛАТГА

Республикамиз областларида дон тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 23 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар;	иккинчи стун — мавсум бошидан буён топширилган дон;	учинчи стун — бир кунда (топширишга нисбатан процент ҳисобида)
ТОШКЕНТ	118,4	0,1
АНДИЖОН	105,4	—
САМАРҚАНД	100,2	—
Фарғона	95,7	—
Сурхондарё	93,9	1,4
Хоразм	80,0	1,8
ҚҚ АССР	76,4	2,0
Қашқадарё	76,3	0,7
Наманган	67,0	—
Сирдарё	62,1	0,1
Жиззах	36,7	—
Бухоро	35,1	0,1
Республика бўйича:	78,7	0,8

ЦЕМЕНТНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИШ УЧУН

Цемент саноати лабораториялари бошлиқларининг Бутуниттифоқ кенгаш-семинари 23 октябрда Тошкентда ўз ишини тамомлади. Кенгаш қатнашчилари «Қурилиш уни» ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва сифатини яхшилаш соҳасидаги ишларнинг асосий йўналишларини муҳокама қилдилар. (ЎзТАГ).

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

1975 йилда пахта тайёрлаш халқ хўжалик планларини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилсин:

Қорақалпоғистон АССР. Область партия комитетининг секретари ўртоқ **Камолов**, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ **Ешимбетов**, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **Айтмуротов**, қишлоқ хўжалиги министри ўртоқ **Туремуротов**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Худойбергенов**, «Ўзсельхозтехника» бирлашмасининг раиси ўртоқ **Примов**, Амударё суғориш системалари дельта бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Жаманқораев**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Жуманов**.

Сирдарё области. Область партия комитетининг секретари ўртоқ **Ҳайдуров**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Қўчқоров**, область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ибодуллаев**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Шодиев**, «Ўзсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Хобта**, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Турсунов**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Абдурраимов**.

Сирдарё областидаги **Сирдарё району.** Район партия комитетининг секретари ўртоқ **Каримов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Хўжаев**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Мирқурбонов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Виноградов**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Беков**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Йўлдошева**.

Қорақалпоғистон АССРдаги **Хўжайли районы.** Район партия комитетининг секретари ўртоқ **Холмуродов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Тўхтабоев**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ражабов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Дошчанов**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Утепов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Машарипов**.

Қорақалпоғистон АССРдаги **Бируний районы.** Район партия комитетининг секретари ўртоқ **Ражабов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Олимов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ҳўжамуротов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Хафизов**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Қўрбонбоев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Эшматов**.

Қорақалпоғистон АССРдаги **Амударё районы.** Район партия комитетининг секретари ўртоқ **Қурбонбоев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Қурбониёзов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Жуманов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Ким**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Мадаминов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Жумануротов**.

Тошкент областидаги **Бекобод району.** Район партия комитетининг секретари ўртоқ **Мақсумов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Хатамов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Чопаков**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Комилов**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Болков**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Иброҳимов**.

Наманган областидаги **Норин району.** Район партия комитетининг секретари ўртоқ **Жўраев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Қамбаров**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Турганов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмаси бошқарувчиси вазифасини ижро этувчи ўртоқ **Ходиев**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Абдураззоқов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Ҳасанов**.

Наманган областидаги **Тўрақўрғон району.** Район партия комитетининг секретари ўртоқ **Бобохонов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Сиддиқов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ким**, «Ўзсельхозтехника» районлараро бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Жалилов**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Исмонов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Қосимов**.

СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРНИ ПУХТА ЭГАЛЛАЙЛИК

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ДОИР

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Чақириқлари СССР халқларининг кучгайратини жўш урдириб, уларнинг сиёсий ва ижодий кучларини тўлқинлантириб юборди. Улуғ Советлар мамлакатимиз ўзининг бу йилги байрамини план топшириқлари ва олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш, партия XXIV съезди илгари сурган социал-иқтисодий программани амалга ошириш, КПСС XXV съездини янги меҳнат зафарлари билан нишонлаш учун умумхалқ ҳаракати авж олган бир пайтда кутиб олмоқда.

Меҳнаткашларнинг коммунистик онглилигини, ғоявий эътиқодини кучайтириш, уларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини ошириш, ғоявий-тарбиявий ишлари муттасил такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш, планлар ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш халқ хўжалиги вазифаларини муваффақиятли бажаришнинг зарур шартидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг ленинчи Марказий Комитети социалистик ва коммунистик қурилишнинг ҳамма босқичларида кадрларни ғоявий-назарий тарбиялаш, кенг меҳнаткашлар оммасида марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришга ҳамиша катта эътибор бериб келмоқдалар. Марксизм-ленинизм бизнинг йўлчи юлдузимиз бўлиб, коммунизм сари йўлимизни бамисоли компас каби кўрсатиб турибди. Бу илғор фанни эгаллаш чинакам партиявий иш услубини қарор топтириш, фаолиятнинг барча соҳаларига партиявий ёндашишга ёрдам беради, сиёсий, иқтисодий ва социал вазифаларни муваффақиятли бажаришнинг гарови бўлиб хизмат қилади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев Москва шаҳар Бауман райлов округи сайловчилари билан 1975 йил 13 июнда бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқида таъкидлагандек, «Пировард натижада меҳнаткашларнинг айни, ғоявий эътиқодини, сиёсий онглилигини ўстириш ҳамма соҳаларда олга томон қилаётган ҳаракатимизнинг ҳал қилувчи шартидир».

Республика партия ташкилотлари КПСС XXIV съезди ва партия Марказий Комитетининг идеология масалалари юзасидан қабул қилган кейинги қарорларини бажара бориб, ғоявий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш ва таъсирчанлигини ошириш борасида кўпгина ишларни амалга оширдилар.

Бутун мамлакатимизда бўлганидек, республикамизда ҳам коммунистлар ва кенг меҳнаткашлар оммасига сиёсий ва иқтисодий таълим бериш системаси йил сайин кенгаймоқда. Ўтган ўн йил мобайнида партия ўқуви системасидаги тингловчилар сони бир ярим баравардан зиёд ошди. Кейинги йилларда меҳнаткашларга иқтисодий таълим бериш кенг миқёсларда авж олди. 1974—1975 ўқув йилида қариб 1,5 миллион киши иқтисодий назария ва иқтисод масалаларни ўргандилар. Бу эса 1971 йилдагидан 5,7 баравар кўпдир. Коммунистлар ва партиясизлар марксизм-ленинизмни, партия тарихи ва сиёсатини, партия XXIII ва XXIV съездлари ҳужжатларида, КПСС Марказий Комитети Пленумлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқларида баён этилган назарий хулоса ва қоидаларни зўр қизиқиш билан ўргандилар.

Марксча-ленинча таълимнинг анчагина кенгайиши ва проблематикасининг актуаллашиши, унинг сиёсий йўналиши ҳамда коммунистик қурилиш вазифалари билан алоқаси кучайиши тингловчиларнинг ғоявий эътиқодини кучайтиришга, сиёсий онглилиги ва меҳнат активлигини оширишга имкон берди.

Шу билан бирга, ўтган ўқув йилида сиёсий ва иқтисодий таълимнинг аҳволини таҳлил этиш шундан далолат берадики, муайян ижобий натижалар билан бирга жиддий камчиликлар ҳам содир бўлди. Партия назарияси ва сиёсатининг актуал масалалари ҳамиша ҳам лозим даражада ўрганилди деб айтолмаймиз, КПСС сиёсатининг илмий характерини, марксизм-ленинизмнинг жамият тараққиётига қудратли таъсирини чуқур очиб бериш ва конкрет тарзда кўрсатиш ўрнига назарий қоидаларни мавҳум баён этиш фактлари содир бўлди. Иқтисодий ўқишда баъзан дунёқараш, методологик жиҳатлар эътибордан четда қолди. Ҳамма жойда ҳам уларнинг практика билан чуқур алоқаси таъминланди деб бўлмайди.

Республикамизда марксча-ленинча таълим системасида янги ўқув йили яқинлашиб келмоқда. Ўқув йилига тайёргарлик давомида ва маштулотлар жараёнида юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларга қатъиян барҳам бериш, партия сафларининг ғоявий етуклиги ва жанговарлигининг, меҳнаткашлар онглилиги, социал ва ишлаб чиқариш активлиги ўсишининг, раҳбар кадрларнинг ғоявий-сиёсий тайёргарлигини такомиллаштиришнинг муҳим омили бўлган марксча-ленинча ўқувнинг ролини бундан буён ҳам ошириш зарур. Зотан, КПСС сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилиши ҳам пировард натижада ана шу нарсага боғлиқдир.

Сиёсий ва иқтисодий таълим системасида янги ўқув йили ҳар бир тингловчининг ғоявий ҳаётида муҳим босқич ҳисобланади. Бўлажак ўқув йилининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу ўқув йили Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXV съездига тайёргарлик кириш ва съезд ўз ишини бошлайдиган даврга тўғри келади. Ленин партиясининг ҳар бир съезди бутун партия, мамлакат ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланади. Партия XXV съезди экономика, фан, маданиятнинг, барча соҳаларидаги бунёдкорлик ишларига якун ясайди, совет жамиятининг коммунизм сари янада олга бориш йўлини белгилаб беради. Табийки, шу боисдан пропагандист ва тингловчиларнинг асосий диққат-эътибори ривожланган социализм шароитида партия роли ниг тобора ўсиши масалаларини чуқур ўрганишга, партиянинг коммунистик қурилиш ишларига раҳбарлиги, КПСС XXIV съезди белгилаб берган ва партия XXV съезди ҳужжатларида ўз ифодасини топадиган ташқи сиёсат вазифаларини амалга ошириш юзасидан олиб бораётган фаолияти натижаларига қаратилади.

Марксча-ленинча ўқувда асосий эътибор иқтисодий назариянинг актуал масалаларини ишлаб чиқишга партиямиз қўйган ижодий ҳиссасининг мазмуни ва аҳамиятини, ҳар томонлама очиб беришга қаратилиши лозим. Партия ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ва совет кишиларининг фаровонлигини яхшилаш йўлини изчил амалга оширмоқда. Партия ва халқнинг тўққизинчи беш йиллик вазифаларини амалга ошириш учун олиб бораётган кураши натижаларини ўрганиш, халқ хўжалигининг динамикасини, иқтисодий-социал самарадорлигини оширишнинг объектив ва субъективи омилларини таҳлил қилиш катта назарий ва амалий аҳамиятга молик дир. Ўқиш жараёнида хўжалик фаолияти таҳлилининг маълумотларидан тўлиқроқ фойдаланиш лозим. Зеро, бу нарса тингловчиларда ўз корхоналари ва коллективларидаги ишнинг аҳволини тўғри баҳолаш, ўз иш натижаларини ҳозирги замон талаблари нуқтаи назаридан туриб тўғри баҳолаш кўникмасини ҳосил қилади, уларни ижодкорликка, ишлаб чиқаришнинг қўшимча резервларини қидириб топиш ва ишга солишга даъват этади, уларда хўжасизлик кўринишларига қарши муросасизлик туйғусини тарбиялайди.

Машғулотлар жараёнида КПССнинг улкан ташқи сиёсат фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатлари, ҳозирги замон жаҳон тараққиётининг проблемалари ўзининг кенг ифодасини топиши лозим. Марксча-ленинча ўқув тингловчиларни КПСС ва Совет ҳукуматининг ленинча ташқи сиёсати асосларини, бу сиёсатнинг синфий ва интернационал характерини чуқур билишларига ёрдам бермоғи даркор. Машғулотларда социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлашнинг аҳамиятини, социалистик иқтисодий интеграциянинг ролини тушунарли тарзда кўрсатиб бериш керак. КПССнинг халқаро майдонда жаҳон социализми позицияларини мустаҳкамлаш, жаҳон коммунистик ҳаракатини жиҳатлаштириш, тинчлик учун курашдаги ичил ва актив фаолиятини ёрқин кўрсатиб бериш зарур.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишлаб ўтказилган Кенгашнинг муваффақиятли якунланиши партиямизнинг ташқи сиёсат фаолияти муваффақиятининг ёрқин далилларидан бири бўлди. Шу боисдан Кенгашнинг якунловчи ҳужжатларини ўқув программалари материаллари билан маҳкам боғланган ҳолда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Буларнинг ҳаммаси тингловчиларда ижтимоий ҳодисаларга баҳо беришда, синфий, партиявий ёндашиш ҳисларини мустаҳкамлашга, уларни сиёсий ҳушёрлик, коммунизм идеаларига, партия ишига садоқат руҳида, совет ватанпарварлиги ҳамда буржуа ва ревизионистик идеологияга муросасизлик руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

Марксча-ленинча таълим савиясини янада ошириш манфаатлари ўқиш мазмунини чуқурлаштириш билан бир қаторда, уни ташкил этишни, форма ва методларини такомиллаштиришни ҳам талаб этади. Кейинги йилларда Тошкент, Чирчиқ, Фарғона, Андижон, Марғилон, Олмалиқ, Ангрен, Мўйноқ, Самарқанд, Янгиер, Мирзачўл, Избоскан, Бобкент, Бойсун, Шаҳрисабз ва бошқа қатор район ҳамда шаҳарлардаги кўпчилик пропагандистлар ўқишнинг тингловчилар амалий топшириқларни бажаришлари, реферат ёзиш ва кўпчилик ўртасида ёқлашлари каби актив формаларидан кенг фойдаланмоқдалар. Барча областларда энг муҳим актуал проблемалар юзасидан илмий-амалий конференциялар ўтказиш одат тусига кирмоқда.

1975—1976 ўқув йилида партия маорифи системасининг барча звеноларида ўтган йиллардаги ўқув планлари ва фанларни ўрганиш асосан сақланиб қолади. Шу билан бирга баъзи янги курслар киритилади.

Бошланғич звенода ўтган йиллардаги каби бу ўқув йилида ҳам В. И. Ленин биографияси, сиёсий ва иқтисодий билим асослари ўрганилади. Муайян сабабларгa кўра ўрта звенода ўқиёлмайдиганлар учун «КПСС ички ва ташқи сиёсати масалалари» курсини ўрганиш тавсия этилади. Ушбу курснинг ўқув программаси ҳамда ўқув қўлланмалари совет жамиятининг иқтисодий ва социал-сиёсий тараққиётининг, КПССнинг ташқи сиёсат фаолиятининг актуал проблемалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишлаб чиқилган.

Партия маорифининг **ўрта звеносида** тингловчиларнинг куч-гайратини марксизм-ленинизм асослари мактаблари программасида кўзда тутилган курсларни ўрганишга, уларда революцион назарияни бундан буён ўрганиш учун зарур бўлган сиёсий мустақил ўқиш кўникмаларини ҳосил қилишга қаратмоқ лозим. Программани тўла ўрганган ўртоқлар бирор сабаб билан ўрта звенода ўқишни яна давом эттирадиган бўлсалар, уларга «КПСС — коммунистик қурилишнинг раҳбар ва сафбар этувчи кучи» деган янги курс тавсия этилади. Ушбу предметни ўрганиш партия ташкилотларининг ишларини янада яхшилаш, коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш билан уйғунлаштирилган ҳолда боғлаб олиб борилиши лозим. Ўтган ўқув йилида марксизм-ленинизм асослари мактабларининг айримларида тингловчилар «Оммавий-агитация ишлари назарияси ва практикаси» курсини зўр қизиқиш билан ўргандилар. Янги ўқув йилида бу курсни кенгроқ жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Партия маорифининг **олий звеносида** ўқишни янада табақалаштириш кўзда тутилмоқда. Бунда турли категориядаги кадрлар марксизм-ленинизм таркибий қисмлари юзасидан билимларини чуқурлаштириш билан бирга, ўзларининг профессионал ва ижтимоий-сиёсий ишлари билан боғлиқ бўлган назария ва сиёсатнинг актуал проблемаларини ўрганадилар. Янги ўқув йилида область партия комитетлари ҳузуридаги назарий семинарлар, шаҳар ва район партия комитетлари ҳузуридаги партия активи мактаблари, марксизм-ленинизм университетлари ишини раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқув масалалари бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ кенгаши талаблари асосида бундан буён ҳам такомиллаштириш даркор.

КПСС Марказий Комитетининг Белоруссия бўйича қабул қилган қарори асосида идеология кадрларнинг назарий ва профессионал ўқув мазмунларигини янада ошириш партия комитетларининг ҳамиша диққат-эътиборида туриши керак. Тажриба шуни кўрсатдики, штатли идеология кадрлари ўқувининг энг самарали формаларидан бири область миқёсида ўтказиладиган назарий семинарлардир. Янги ўқув йилида партия комитетларининг идеология ходимларига ғоявий-тарбиявий ишларнинг назарияси, методикаси ва бу ишни ташкил этишнинг актуал проблемаларини, бу ишнинг самарадорлигини ошириш проблемаларини чуқур ўрганиш тавсия этилади.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада яхшилаш бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг ҳамда уларнинг идеология ишларини олиб борувчи ўринбосарларининг тайёргарлик даражасини мунтазам равишда ошириб бориши талаб қилади. Шаҳар ва район семинарларида уларни партия қурилиши асослари билан, меҳнат коллективларида идеология ишини ташкил этишнинг назарияси, принциплари, форма ва методлари билан ичил қуроллантирга бориш лозим.

Турли категориядаги интеллигенциянинг марксча-ленинча ўқувига катта эътибор берилмоғи лозим. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчилари ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш, ривожланган социализм шароитида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш проблемаларини ўрганадилар. Бадиий интеллигенция санъат, марксча-ленинча эстетика ва этиканинг, ҳозирги замон идеология курашининг актуал масалаларини ўрганадилар.

Раҳбар кадрлар ва интеллигенция учун назарий ва методологик семинарларнинг тематикаси ва планлар нашр қилинди. Бу планлар тўққизта китобчадан иборат бўлиб, шу жумладан уларнинг иккитаси иктимоий ва табиийтўшунослик фанларининг методологик проблемаларига бағишланган.

Комсомол сиёсий ўқуви системасида тингловчиларнинг диққат-эътибори машғулотларнинг ғоявий савияси ва таъсирчанлигини оширишга, ҳар бир йигит ва қизда коммунистик идеалларни, юксак ахлоқ-одобни шакллантиришга қаратилади. Ишлар ўқувининг асосий мазмунини марксча-ленинча назарияни ўрганиш, КПСС ҳужжатларини, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, комсомолнинг XVII съезди ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитетининг кейинги пленумлари ҳужжатларини ўрганиш ташкил этади. Янги ўқув йили барча тўгарак ва семинарларда «Беш йилликни зарбдор меҳнат билан якунлаймиз! КПСС XXV съездини муносиб кутиб оламиз!» мавзуида ленинча дарслар ўтади.

Бу ўқув йилида комсомол сиёсий маорифининг ўрта звеноси учун «Ҳуқуқ билимлари асослари» деган янги предмет киритилади, назарий семинарларда эса «Ривожланган социалистик жамият кишиси» проблемасини ўрганиш тавсия этилди.

Партия комитетларининг, сиёсий маориф уйлари ва кабинетларининг бурчи — пропагандистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда, ленинча дарсларни уюшқоқлик билан ўтказишда, сиёсий машғулотлар савиясини оширишда, йигит ва қизларнинг ўқишини комсомолнинг, ёшларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини янада ошириш, уларни коммунистик руҳда тарбиялашни такомиллаштиришга қаратилган сиёсий-оммавий ва ташкилотчилик ишлари билан маҳкам боғлаб олиб боришда комсомол комитетларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишдан иборат.

Янги ўқув йилида **иқтисодий таълим системасида** моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ходимларнинг янги табақаси иқтисодий билим асослари, экономика ва бошқариш асослари, илмий бошқариш асослари, бошқариш фани ва практикасини ўрганишга киришадилар. Ўтган йиллари бу предметларни ўрганиб бўлган тингловчилар иқтисодий таълимнинг иккинчи босқичига ўтадилар. Ишчилар ва колхозчилар «Социализм ва меҳнат» курсини, корхоналарнинг инженерлик хизмати ходимлари, конструкторлик бюролари ва илмий-тадқиқот институтларининг ходимлари «Социалистик жамиятда инженер меҳнати» курсини, министрликлар, идоралар, область бошқариш органлари, бирлашмалар, саноат корхоналари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари «Раҳбарнинг меҳнати» курсини ўрганадилар. Ана шу барча предметлар бўйича ўқув программалари ва ўқув қўлланмалари нашр этилди. Журналлар, газеталар, телевидение ва радио иқтисодий билимларни пропаганда қилишни давом эттирадилар.

Сиёсий ва иқтисодий таълимнинг самарадорлиги аввало пропагандист кадрларнинг назарий ва методик тайёргарлигига боғлиқдир. Партия комитетлари, уларнинг сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари, хўжалик, касаба союз ва комсомол органлари пропагандист кадрларни танлаш ва ўқитиш ҳақида ҳамиша ғамхўрлик қилишлари, уларнинг унумли ишлашлари учун зарур шарт-шароит яратиб беришлари, пропагандистларда ғоявий устоз-тарбиячи фазилатларини шакллантиришлари керак. Ҳамма жойда пропагандистларнинг табақалаштирилган курслари ва семинарларини ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказиш, бунда асосий эътиборни янги предметлар бўйича пропагандистлар тайёрлашга қаратиш, сиёсий ва иқтисодий мактаблар ҳамда семинарларнинг раҳбарларига мунтазам ва оператив равишда тегишли ахборотлар бериб туриш лозим.

Марксча-ленинча таълим, комсомол сиёсий, маориф, оммавий-иқтисодий таълим системасида янги ўқув йили КПСС назарияси ва сиёсатини пропаганда қилишнинг, тингловчиларнинг ғоявий эътиқоди ва сиёсий онглилигини оширишнинг, коммунистик қурилишнинг социал-иқтисодий вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш учун курашда меҳнаткашларнинг ижодий активлигини ривожлантиришнинг муҳим босқичи бўлиб қолиши лозим.

Тошкент. Бу ерда Осиё ва Океания мамлакатлари металлистлари касаба союзлари вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Суратда: учрашув қатнашчиларидан бир группаси.
Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Тошкент областидаги ва Тошкент шаҳридаги саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун интилиб, маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ўн ойлик программасини муддатидан илгари, 22 октябрда бажардилар. Область ва республика пойтахти саноати меҳнатчилари Улуғ Октябрнинг 58 йиллигига меҳнат вахтасида туриб, ой охиригача топшириқдан ташқари 135 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилишни мўлжалламоқдалар.

* * *

Қорақалпоғистон АССР саноатининг ходимлари КПСС XXV съезди шарафига мусобақани авж олдириб, товар маҳсулотини реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан ўн ойлик топшириқни бажарганликлари тўғрисида 21 октябрда рапорт бердилар. Улар пландан ташқари 15 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация этишга аҳд қилдилар.

* * *

Наманган областининг саноати маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш юзасидан ўн ойлик планни 17 октябрда муддатидан илгари бажарди. Наманганликлар партия XXV съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақаларни, октябрь ойининг охиригача топшириқдан ташқари 31 миллион сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулотини реализация этишга қарор қилдилар.

* * *

Сурхондарё области саноатининг меҳнат коллективлари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулотни реализация қилиш юзасидан ўн ойлик планни бажарганликлари тўғрисида 20 октябрда рапорт бердилар. Улар планга қўшимча равишда 16 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишни мўлжалламоқдалар.

* * *

«Голодностепирмонтаж» трестига қарашли 10-механизациялашган кўчма колонна беш йиллик планни барча техника-иқтисодий кўрсатгичлари бўйича муддатидан илгари, 10 октябрда бажарди. Колонна монтажчилари ва қурувчилари йил охиригача яна 600 минг сўмликдан кўпроқ турли ишларни бажаришга аҳд қилдилар.

* * *

Сирдарё областидаги саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг асосий турларини ишлаб чиқариш ўн ойлик планини муддатидан аввал, 21 октябрда бажардилар. Область саноатининг ходимлари КПСС XXV съезди шарафига мусобақани авж олдириб, ой охиригача пландан ташқари 14 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулотни реализация этишга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТ

СССР Олий Совети Президиумининг 1975 йил 15 октябрдаги Фармонига биноан, Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган кўп болали 682 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди ва уларга «Қаҳрамон она» ордени ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топшириладиган бўлди.

(ЎзТАГ).

ВЕНЕРАДАН ФОТОРЕПОРТАЖ

22 октябрда радиосигналлар юпқа папирос қоғозига ўхшайдиган қоғоз ўрамига Венера юзасидан юборилган биринчи суратни туширди. Дешифровка машинасидан ҳозиргина чиққан ҳали нам қоғозда илм-фан учун бебаҳо бир ҳужжат — 22 октябрь Москва вақти билан эрталаб соат 8 да сирли планетанинг юзаси қандай кўринганлигининг ҳақиқий гувоҳномаси олинганди. Шу илк суратнинг ҳар квадрат сантиметри олимларга муфассал анализ объекти бўлиб қолади. Лекин олимлар бугунги кундаёқ шу оддий қоғоз бўлагига қараб эзгу «Эврика!» (Мен топдим) деган хитобни бир неча бор такрорлашга ҳақлидирлар.

Биринчи даражали шовшув гап шуки, Венерада тош бор экан! «Венера-9»нинг туширилувчи аппарати тошлар устига кўнган. Суратнинг олдида кўндалангига 30-40 сантиметрга борадиган палаҳса тошлар кўринади. Тошларнинг қирралари ўткир, текис ёнлари равшан кўриниб турибди — бинобарин Венерада эррозия жараёнлари бўлган деган назария барбод бўлади. Ўша назарияга кўра сайёранинг юзаси юмшоқ бўлиб, чўлдаги майда қум тепаларга ўхшаб кетиши керак эди.

Яна бир янгилик шуки — сайёрадаги уфқ равшан кўриниб турибди. У яна бир назариянинг тарафдорлари айтишича, ботиқ нўзғу ҳолида эмас, балки нормал эгик чизиқ ҳолидадир. Ниҳоят, Венера чошгоҳ вақтида юзасининг ёритилиш характери билан боғлиқ кашфиёт шу куннинг энг қутилмаган ҳодисаси бўлди. Маълум бўлишича, атмосфера контрастларни баайни «оппоқ ёйилган фильтр» сингари ҳиралаштириб юбормас экан. Суратда тошдан тушган соялар яққол кўриниб турибди, туширилувчи аппаратнинг ёруғ қўниш халқаси кўзга ташланади. Суратда яна бир нарса — станциянинг плотномер деган бир илмий асбоби кўринади. У тақдир тақозоси билан тошлардан бирининг устига тушиб жойлашган. Бу асбоб планета юзасини ўрганишда ишлатилади.

Биз дастлабки илк шаҳарлари учун Олис космик алоқа марказидаги муҳтарам шарҳловчиларимиз физика-математика фанлари доктори **М. Я. Маров** билан техника фанлари кандидати **Б. В. Непоклоновга** миниатдорчилик билдирамиз ва бу воқеа содир бўлганлиги тўғрисида ҳикоя қилишга шошиламиз. Шу дамда Венера атмосферасида яна бир парашют очилиб, Советлар мамлакатининг навбатдаги элчисини унинг юзасига туширди.

Кеча кечқурун бир сутка аввал орбитал бўлмадан ажраган туширилувчи аппарат Венерага яқинлашиш траекториясидан бораётганидан соатларимизни таблога қараб тўғрилаб қўйдик. Марказда аниқ вақт шунга қараб олиб борилади. Шу пайт учиш раҳбарларидан бирига мурожаат этиб:

— Учрашув қачон бўлади? — деб сўрадик.

Жавоб қисқа бўлди:

— Жадвал бўйича аниқ вақтда.

Туширилиш траекториясидан берилдиган илк сигнални соат 6 дан 59 минут ўтганида кутамиз.

Планеталараро илмий экспрессларнинг йўлини секундининг ўндан бир улуши аниқлигида олувчи олимлар ва инженерларнинг жуда катта меҳнатлари тўғрисида кўп гаплар айтиш мумкин эди. Коинотдаги неча юз миллионлаб километр билан ўлчанувчи йўл нақадар синчиклаб ҳисоблаб чиқилиши тўғрисида, планеталараро алоқа хизматининг диспетчерлари Ер илм-фанининг фахрли буюртмасини тўлатўкис бажо келтирмоқ учун бу ерда кунни тунга улаб неча суткалаб бўлганликлари ҳақида кўп гаплар айтиш мумкин.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач шу сирли сайёра ёлғизликдан қутилади — унда илк йўлдош пайдо бўлади. Йўлдош «Венера-9» станциясининг орбитал бўлмасидан иборат бўлиб, Венера атмосфераси ва юзасидан юборилдиган репортаж шунинг орқали келади. Шундай қилиб, орзиқиб кутилган, тантанали дамлар етиб келди. Баллистиклар Венеранинг биринчи йўлдоши ҳисоблаб қўйилган орбитага чиқиб сигналларни қабул қилишга тайёрлигини хабар қиладилар.

«Венера-9» олис манзил сари тўрт ой учиб, яхши меҳнат қилди. У билан неча йўлаб алоқа сеанслари чоғида планеталараро муҳитнинг хусусиятлари тўғрисида маълумотлар олинди. Космосдаги радиация вазияти ҳам контрол қилиб турилди. Аммо станциянинг асосий илмий репортажи — тушаётган чоғидаги 120 минутлик ва планета юзасидан юборадиган 53 минутлик репортажига ҳали вақт бор эди.

Операторларнинг метроном шиқиллаши сингари қилиб турган аниқ докладлари шу дақиқалар яқинлашаётганлигидан дарак берар эди. Туширилувчи аппарат ичида ишлаётган ҳисоб-ҳал этиш машинаси «десант»ни туширилишига тайёрликни билдиради. Атмосферанинг зич қатламлари билан учрашув чоғида зўриқиш датчиклари юборилган биринчи сигнал бўйича биринчи парашют очилади, сўнгра тормозловчи парашют очилиб, ва ниҳоят, туширилувчи шар планетанинг зич пўстинида парашют гумбазига осилади. Шар ўзининг ретранслятори — Венера йўлдоши билан «алоқа боғлаб», кўниш қандай ўтаётганлиги тўғрисида тўла-тўкис ҳисобот юборяпти.

— Баландлик 51 километр, температура плюс 45 градус, босим бир атмосфера чамаси.

— Уни қаранг, Тошкентнинг ёзидагига ўхшайди-я, деб ҳазиллашади оператор.

— Тўғри айтасиз, Венера атмосферасида сайр қилишни истайдиганлар бўлса фақат шу дамдангина фойдаланиб қолиши мумкин, — деб ҳазилни давом эттиради планеташунос олим.

Аслида эса пастлашиб борган сайин Венеранинг қучоғи шунчалик қизиб боради. Борт ташқарисидаги вазият ҳар уч минутда баланд товушли алоқа орқали эшитириб турилади. Илм-фан учун қимматбаҳо шу репортаждан бир неча сатр келтирайлик.

Соат 7 дан 29 минут ўтди. Баландлик 37 километр, температура 200 градус, босим 6 атмосфера.

Соат 7 дан 47 минут ўтди. Баландлик 16 километр, температура 345 градус, босим 30 атмосфера.

Шу пайт журналистлардан бири ўзини тута олмай:

— Баракалла, бўш келмаяпти! — деб қичқириб юборади.

— Бўш келмаяпти эмас, яшляпти, — ссойишталик билан гап қўшади конструктор инженер.

Станция бортидан атмосферанинг газ состави, ёритилиш шароитлари тўғрисида бетўхтов телеметрик ахборотлар келиб турибди. Мана, температура ва босим кўтарилишдан тўхтади: бу нарса станция планетага чиқанлигини билдиради. Датчиклар борт ташқарисидаги температура 460 градус, босим 85 атмосфера эканлигини кўрсатади. Станциянинг илмий асбоблари паналанган ичкарисида эса атиги 23 градус. Ҳамма иш станция планета юзасидан репортажини бошлашга қандай мўлжалланган бўлса шундай кетаяпти.

Кечқурун, планетага муваффақиятли қўниш ва планета юзасининг илк сурати юборилиши туфайли кўтарилган шов-шув пасайгач, олис космик алоқа антенналари яна ишчан ҳолатга келтирилди — Ер Венерани биринчи йўлдоши билан ишлашни, шунингдек «Венера-10» автомат станцияси билан ишлашни давом эттиришга тайёргарлик кўрарди. «Венера-10» планеталараро экспресси 25 октябрь эрта тонгда манзилга етиб бориши кутилади.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
ТАСС махсус мухбири.
Олис коемик алоқа маркази.



«Венера-9» туширилувчи аппарати қўнган жойдан олинган Венера планетаси юзасининг тасвири.

СЎЗ—МАРРАДАН ОШГАНЛАРГА

ДОВОНДАН ЎТДИК

Пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини бажардик. Районимиз меҳнат аҳли Андижон хирмонига 55 минг 300 тоннадан знёд «оқ олтин» тўкди. Топширилган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортга ўтди. 16 хўжаликдан 8 таси, 242 бригададан 112 таси ғалаба рапортига имзо чекди. Қолган хўжаликлар ва бригадалар ҳам планни албатта тўлдиришади. Бунга ишончимиз комил.

«Пахтакор», «Правда», «Коммунизм», Куйбишев номли, «Москва», Карл Маркс номли, Ленин номли, «Қизил юлдуз» колхозлари теримда пешқадамлик қилдилар. Ончадан буён мажбурият ҳисобига пахта топшираётган бу хўжаликлар ҳозирнинг ўзидаёқ гектардан 35-37 центнердан ҳосил олдилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турдихон Сатторова раислик қилаётган «Пахтакор», Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Ҳакимжон Қаюмов раҳбарлик қилаётган «Коммунизм» колхозлари районда 40-45 центнерчилик ҳаракатини бошлаб берган эдилар. Ташаббускор хўжаликлар бугунгача пландан ташқари 600-900 тоннадан пахта топширдилар.

Районимизда юқори ҳосилли бригадалар кўп. «Пахтакор» колхозидан Ширмонхон Саломова, «Правда» колхозидан Жўрамирза Қодиров, «Коммунизм» колхозидан Еқубжон Юсупов, Куйбишев номли колхоздан Аъзамхон Аббосов бошлиқ бригадалар 38-40 центнерлик маррани эгалладилар.

Бу ютуқларга қандай эришдик? Районимизда пахта майдонлари майда-майда карталар эди. Бу машиналар йўлида тов бўлиб турарди. Эрта баҳорда 3 мингдан знёд майда карта йириклаштирилди. Пайкаллар ўртасидан 82 минг тун тут дарахтлари кўчирилиб, карта четларига ўтказилди. Ерларни соғломлаштириш соҳасида ҳам талай ишлар қилинди. Суғориш тармоқлари ва дала йўллари тартибга солинди.

Оқибатда комплекс механизацияга кенг йўл очилди. Далаларда 278 та «зангори кема» ишлатилди. Район бўйича машиналар ёрдамида терилган пахта 28 минг тоннадан ортиб кетди. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Комила Эралиева, Носир Ўрмонов, Далабой Ҳамроқулов, Хайиталли Нурматов каби механик-ҳайдовчилар 280-500 тоннадан пахта териб хирмонга барака киритдилар. Планнинг бажарилишига коммунист ва комсомоллар, партия, совет ташкилотлари, тайёрлов органлари ходимлари, ҳашарчилар муносиб ҳисса қўшдилар. Меҳнатга яроқли ҳар бир киши сидқидилдан ишлаяпти.

План тўлгандан сўнг мутахассислар, суяги пахтачиликда қотган деҳқонлар билан даладаги ҳосилни чамалаб кўрдик. Район бўйича яна 9 минг 700 тонна пахта топшириш, ялпи ҳосилни 65 минг тоннага етказишга азму қарор қилинди. Юксак мажбуриятни ҳам шараф билан бажарамиз.

Д. МАЛИКОВ,
Балиқчи район партия комитетининг биринчи секретари.

ЯНГИ МАРРА— 60 МИНГ ТОННА

Тўқкизинчи беш йилликнинг улуғвор режаларини амалга ошира бориб, бутун совет кишилари ўнинчи беш йиллик марраларига интилаётган шу кунларда Қува райони пахтакорлари ҳам улкан ғалабани қўлга киритдилар. 20 октябрь куни районимиз пахтакорлари улкан довондан ошиб ўтдилар. Она-Ватанга 47250 тонна пахта топширилиб, халқ хўжалик плани ортиғи билан адо этилди. Ана шу ҳосилнинг учдан бир қисми ўруғлик пахтадир.

Планнинг бажарилиши, эришилган марра қуваликлар учун ҳеч қачон чегара бўлиб қолган эмас. Улкан пахтазорларда терим агрегатлари бирдай ишлаяпти. Теримчилар — кўп минг килограммчилар ғайрати авжида. 2,5 мингдан знёдрок коммунистлар, минг-минглаб ёш механизаторларимизнинг фикри-зикри пахтанинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб олишда.

Биз маррага барвақт етиб келиб район хирмонига салмоқли ҳисса қўшган хўжаликлар ҳақида фахр билан гапирамиз. Димитров номли (раиси А. Юнусов) Охунбобев номли (раиси М. Раҳматов), «Коммунизм» (раиси Қ. Аҳмедов), Киров номли (раиси М. Абдуразоқов) «Социализм» (раиси Р. Аҳмедов) ва бошқа қатор колхозларда пахтадан юқори ҳосил етиштирилди.

Эришган ютуқларимизда ўн икки ой дала ишлари билан қизғин банд бўладиган механизаторларимизнинг улуши катта эканини таъкидлаб ўтмоғимиз лозим. Улар ҳамиша деҳқоннинг оғирини енгил қилишга шай бўлиб турдилар. Ерга чиқитнинг ёнбоши текканидан йиғим-терим ишларигунча уларнинг меҳнати кўзга ташланиб туради. Эндиликда Маъруф Аҳмаджонов, Собирахон Мўминова, Юсуфжон Усмонов каби неча ўнлаб механизаторларимиз номи бутун областга машҳур бўлиб қолди. Чаққон, ғайратли бу дала гвардиячилари 250-300 тонна пахта териб улкан марраларни қўлга киритишди. Қ. Деҳқонова, Д. Кенжаева, Б. Қозокова, Н. Исматова каби минглаб кўпминг килограммчилар 8-11 тонна пахта териб хирмонга барака киритдилар.

Қуваликлар эндиликда ташаббускор пахтакорлари билан фахрланади. Районнинг ҳар бир колхозида 40-55 центнерлик бригада кўплаб топилади. Бир неча йилдан буён муттасил юқори ҳосил етиштириб келган А. Алимқулов, Х. Ўлмасова, Н. Қосимов, Б. Умарова, А. Холмирзаев бошлиқ бригадалар пахтадан рекорд ҳосил етиштиримоқдалар.

Социалистик мусобақа таъсирчанлигини таъминлаш район партия комитети ва район ижроия комитетининг доимий диққат марказида бўлди. Биз мусобақани омманинг чинакам ижодий ишига айланишига эришдик. Районимизда 220 агитатор, 424 сиёсий ташкилотчи, 470 сиёсий ахборотчи, билим жамиятининг 420 лектори қизғин иш олиб бормоқда. «Анор» ансамбли чиқишлари деҳқонларимизга завқ-шавқ бағишламоқда. Бир сўз билан айтганда, Қува миришкорлари бутун куч-ғайратларини, «оқ олтин»имизни сира нобуд қилмай йиғиб-териб олишга сарф этмоқдалар. Биз кўзлаган янги довон — 60 минг тонналик Қува пахтасидир. Бу маррани ҳам шубҳасиз эгаллаймиз. Қува деҳқонларининг лафзи халол.

М. ШЕРБЎТАЕВ,
Қува район партия комитетининг биринчи секретари.

МУСОБАҚА САМАРАСИ

Норин областдаги кенжа районлардан бири. Районимиз қайта ташкил этилгандан бери ўтган икки йил мобайнида норинликлар томонидан амалга оширилаётган ишлар кўлами анча самарали бўлди. Улар партия ташкилотлари раҳбарлигида КПСС XXIV съезди қўйган улкан вазифаларни ҳаётга татбиқ эта бориб катта ғалабаларни қўлга киритдилар. Областда биринчи бўлиб халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича белгиланган тўқкизинчи беш йиллик план адо этилди.

Районимиз меҳнаткашларининг беш йилликнинг якунловчи йилида эришган муваффақиятлари айниқса диққатга сазовордир. Пахта тайёрлаш юзасидан белгиланган йиллик планни муддатидан олдин адо этдик. Давлатга 11835 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 29,6 центнердан ёки 35200 тонна «оқ олтин» етказиб берилди.

Бир қатор хўжаликларимизнинг меҳнаткашлари пахта ҳосилдорлигини ошириш, йиғим-теримни қисқа вақт ичида уюшқоқлик билан ўтказишда яхши натижаларга эришдилар. Районимизда биринчи бўлиб маррага етиб келган Энгельс номли колхоз аъзолари ҳар гектар майдон ҳисобига 33 центнердан ҳосил қўтардилар. «Победа», «Пахтакор», «Коммунизм», «Октябрь» колхозларида ҳам ҳосилдорлик 31-32,5 центнердаги ташкил этди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Азизмжон Шамсиддинов раислик қилаётган колхоз азаматлари социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар. Бу йил районимизда пахтадан юқори ҳосил етиштиришда омилкор деҳқонлар сафи ҳар қачонгидан ортди. Энгельс номли колхоз бригада бошлиғи, областимизда 50 центнерчилик ҳаракати ташаббускори Комилжон Умаровнинг издошлари кўпайди.

Йиллик планни муддатидан илгари бажаришимизда терим машиналари мададкор бўлди. Ялпи ҳосилнинг 33 минг тоннаси ёки 66 процента «зангори кема»лардан тўкилди ва бу борадаги топшириқ ҳам ортиғи билан бажарилди.

«Октябрь», Энгельс номли, Ильич номли, Карл Маркс номли, «Коммунизм» колхозларида машина терими топшириғи 130-150 процент ўдладанди. Механик-ҳайдовчиларимиз бу йил мавсумда пахтакор деҳқонларга чинакам кўмаклашганликлари алоҳида намойиш этилди. Тўхтасин Раҳимов, Исомиддин Маматқулов, Содиқ Жўрабоев, Тўхтасин Жаҳонов, Иноят Эргашева ўртоқларнинг ҳар бири 180-200 тоннадан «оқ олтин» теришди.

Биз КПСС XXV съезди шарафига авж олган умумхалқ мусобақасига қўшилиб, яна планга қўшимча 8 минг тонна пахта тайёрлаш, ялпи ҳосилни 43 минг тоннадан ошириш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилдик.

Ф. ЖУРАЕВ.
Норин район партия комитетининг биринчи секретари.

СЎНГГИ ГРАММГАЧА

КПСС XXV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилган пахтакор - механизаторларимиз астойдил меҳнат қилиб Қорақалпоғистон АССРда иккинчи бўлиб пахта тайёрлаш планини муддатидан анча олдин — 20 октябрда бажаришга муваффақ бўлдилар. Давлатга 27 минг 650 тонна пахта сотилди. Топширилган ҳосилнинг деярли ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди. Улкан хирмонни бунёд қилишда А. Мусаев номли, «Шуманай», Гагарин номли, «Правда», Киров номли совхозларнинг марди-майдон «заршунослари катта ҳисса қўшдилар.

Совхозлардаги 212 та пахтачилик бригадасидан салкам 200 таси планларини бажариб, мажбурият ҳисобига пахта топшириқмоқдалар. Шундан 25 бригада эса бир йилда икки йиллик пахта тайёрлаш планларини бажариб, социалистик мусобақа ғолиби бўлдилар.

«Шуманай» совхозидан Т. Чориев, Н. Бекхўжаев, «Правда» совхозидан Қ. Раҳмонов, Т. Бўғраев, Гагарин номли совхозидан Ж. Жумаев, А. Раимов, М. Ўтебалиев, А. Мусаев номли совхозидан Ж. Сеитниёзов, Г. Ешберганов, Киров номли совхозидан О. Мамутов, К. Жуманов бошлиқ бригадаларда ҳар гектар майдондан 45-50 центнердан ҳосил олинди.

Терим агрегатлари пахтакорларнинг суянган тоғи бўлиб қолди. Бўлимлар, бригадалар етиштирилган ҳосилни фақат «зангори кема»ларда териб оламиз деб чиқдилар. Мавсумда пахта даларида 250 та терим агрегати икки сменада ишлади. Натижа ёмон бўлмади. Районимиз хўжаликлари умумий ҳосилнинг 72 процентини машиналарда териб олишди. «Шуманай» совхозидан А. Демеусинов, С. Мирзабоев, «Правда» совхозидан С. Мавлонов, Ш. Камолова, Гагарин номли совхозидан Б. Зоримбетова, А. Мусаев номли совхозидан К. Бекберганова каби механик-ҳайдовчиларнинг ҳозиргача терган пахтаси 180-220 тоннадан ошди.

Ҳар бир хўжаликда 250-300 теримчи кўпминг килограммчилар ҳаракатига қўшилиб ишлади. Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутати З. Қамарова, Б. Худойберганова, Т. Қораўғлонова, С. Тлеумуротова каби юзлаб чевар теримчилар мавсумда 12,5-13 минг килограммдан ошириб пахта тердилар.

Тўқкизинчи беш йилликка мўлжалланган пахта, гўшт, тухум, сут, пилла, жун, қоракўл тери, сабзавот ва полиз маҳсулотлари тайёрлаш планлари ошириб адо этилди.

Далада ҳали ҳосил кўп. Унинг сўнгги граммигача нес-нобуд қилмай йиғиб-териб оламиз. Бунинг учун терим суръатини сира бўшаштирмасдан ҳар куни йиллик планнинг 2-2,5 проценти миқдорида пахта тайёрлаяпмиз. Ватанга камида 7350 тонна пахта етказиб берамиз ва умумий ҳосилдорликни 35 минг тоннага етказамиз. Бу КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съездига муносиб туҳфамиз бўлади.

А. ШАРИПОВ,
Шуманай район партия комитетининг биринчи секретари.

СИРДАРЕ ОБЛАСТИ. Ғулистон районидаги «Октябрь» колхозининг илғор чорвадори Зулфия Худойқулова сигирлардан сут соғиб олишни йилдан-йилга ошираётир. У КПСС XXV съезди шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, ҳар бир сигирдан 3 минг литрдан сут соғиб олиш мажбуриятини олган эди. Тиришқоқ қиз ўз сўзининг устидан чиқиб, яна йил охиригача ҳар бир сигирдан 900 литрдан сут соғиб олишга аҳд қилди. Суратда: Зулфия Худойқулова.

Ж. Тўраев фотоси.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

КИРОВ. «Октябрь 40 йиллиги» совхози марди-майдонлари зафар қучдилар. Она-Ватан хирмонига 10640 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. План бажарилди. Ленин ҳали далаларда ҳосил кўп. Совхоз пахтакорлари жами 13160 тонна «оқ олтин» топширишга аҳд қилиб, теримни юксак уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар.

* * *

ИЛЬИЧ. «Правда» совхози коллективи 5205 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 21,6 центнердан ҳосил олиб, Ватанга 11300 тонна «оқ олтин» топшириб, йиллик планни бажарди. Ҳосилининг 96 проценти «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Чўққуварлар 17 минг тонна «оқ олтин» тайёрлаш. дек юксак социалистик мажбуриятни 1 ноябргача адо этиш учун барча резерваларни ишга солмоқдалар.

* * *

ҚОРАКЎЛ. Ленин номли колхоз заршунослари биринчилар қаторида ғалаба рапортига имзо чекдилар. Қабул пунктларига 2660 тонна «оқ олтин» етказиб берилиб, йиллик план бажарилди. Ҳозир бутун куч ва имкониятлар пландан ташқари яна 400 тонна пахта тайёрлашга қаратилди.

* * *

БАЛИҚЧИ. Ҳакимжон Қаюмов раислик қилаётган «Коммунизм» колхози аъзолари зафар қучдилар. Улар Андижон хирмонига 4500 тонна дурдона тўкиб, пахта тайёрлаш халқ хўжалиги планини муваффақиятли бажардилар. Колхоз бўйича 1540 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олинди.

Колхоз пахтакорлари беш йиллик планни ҳам муддатидан илгари уддаладилар. Давлатга 22 минг 600 тонна ўрнига 23 минг 200 тонна пахта етказиб берилди.

Колхоз аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна 1730 тонна пахта топшириш, ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга аҳд қилдилар.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ҒА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«БОҒИШАМОЛ» ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Андижонлик газетхон Ж. Турдиев редакциямизга йўллаган хатида шаҳар яқинидаги «Боғишамол» дам олиш зонасида ободонлаштириш ишлари кўнгилдагидек эмаслиги ўғрисида хабар берган эди.

Ушбу хат юзасидан текшириш ўтказган Андижон область Совети ижроия комитетидан қуйидаги мазмунда жавоб олинди:

Область партия комитети бюроси ва область ижроия комитетида «Боғишамол»ни ободонлаштириш масаласи муҳокама қилинди. Кўрсатилган камчиликларни тугатиш юзасидан қатор конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди. Амалга ошириладиган ишларни бошқариш ва назорат қилиб туриш учун шаҳар Совети ижроия комитети раиси А. Жалилов раҳбарлигида махсус штаб тузилди. Дастлаб дам олиш зонаси йўллари асфальтланиб, территория тозаланди, «Андижон ерининг саҳовати» деб номланган кўргазма павильони, ёзги эстрада бинои, спорт майдончалари қуриб ишга туширилди. Бу ишларни бажаришда минглаб ишчи ва знёлилар иштирок этишди.

Область кўкламзорлаштириш бошқармаси зиммасига қисқа муддатда зона территориясини мунтазам сув билан таъминлаш чорасини кўриш вазифаси топширилди.

ЖУДА КАТТА ҚИЗИҚИШ

КОЛОМБО, 22 октябрь. (ТАСС мухбири). Бу ерда «Тинчлик, ҳавфсизлик ва ҳамкорлик йўлида» номли брошюра нашр этилди. Брошюрада «КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советида — Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш якунлари ўғрисида», деган ҳужжат, шунингдек КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг 1975 йил 31 июлда Хельсинки кенгашида сўзлаган нутқи эълон қилинган. Брошюра сингал ва тамил тилларида нашр этилди.

Шри Ланка тинчлик кенгашининг бош секретари Л. Арияванса ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: ана шу энг муҳим ҳужжатларнинг эълон қилиниши мамлакатимизда жуда катта қизиқиш тугдирмоқда. Совет Иттифоқи Хельсинкидаги кенгашнинг муваффақиятли ўтишини таъминлашга ҳал қилувчи ҳисса қўшди.

Брошюра китобхонларимизнинг кенгаш натижаларини эътибор билан ўрганишларига ва Хельсинки кенгашининг принципларини ер куррасининг бошқа районларида, жумладан Осиёда қўлланиш мумкин эканлигини таҳлил этишларига ёрдам беради. Осиё қитъасидаги барча халқлар кескинликнинг юмшатилишидан ва тинч-тотув яшашдан астойдил манфаатдордирлар. Совет Иттифоқи Осиёда коллектив ҳавфсизлик системасини вужудга келтириш тўғрисидаги таклифни илгари сурди. Бу таклиф ҳам худди шундай вазифаларни ўртага қўяди. Хельсинкида қабул қилинган принциплар, деди Л. Арияванса, бундай системага асосдир.

Е. МЕНКЕС.

планетамизда

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА

НЬЮ-ЙОРК, 22 октябрь. (ТАСС). Руминия, Дагомея, Ливия Араб Республикаси ва Панама БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ҳавфсизлик кенгашининг 1976 йил 1 январидан бошлаб икки йиллик муддатга доимий бўлмаган аъзолари қилиб сайланди. Бош Ассамблеяда овоз бериш давомида бу мамлакатлар овозларнинг зарур учдан икки қисмидан иборат кўпчилигини олдилар. Ҳавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган бешинчи аъзолигига кўрсатилган Ҳиндистон ҳам, Покистон ҳам овозларнинг зарур кўпчилигини ола олмаганликлари сабабли бу ўринга қайтадан сайлов ўтказилади.

Ҳавфсизлик Кенгашининг ҳозирги доимий бўлмаган аъзолари — Белоруссия ССР, Коста-Рика, Ироқ, Мавритания ва Камерун Бирлашган Республикасининг БМТ мазкур органида бўлиш муддати шу йил тугайди. 1976 йилда Гайана, Италия, Япония, Швеция ва Танзания Ҳавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган аъзолари сифатида қоладилар.

Маълумки, СССР, Буюк Британия, Франция, АҚШ ва ХХР Ҳавфсизлик Кенгашининг беш доимий аъзосидир.

ИРҚЧИЛИК ҚОРАЛАНДИ

НЬЮ-ЙОРК, 22 октябрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус сиёсий комитети қабул қилган резолюция лойиҳаси халқаро ҳамдўстлик Жанубий Африка Республикасидаги ирқчилик режимини кескин қоралади. Резолюцияда Жанубий Африкадаги сиёсий маҳбуслар билан бирдамлик изҳор қилинган. Ирқчиларнинг миллий озодлик курашчиларига қарши сурбетларча қилаётган беботшлиги ва террорини қораловчи бу ҳужжат 61 давлат шу жумладан социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари томонидан тақдим этилган эди.

Бош ассамблеяга тақдим этилган бу резолюцияда Жанубий Африкада аппартеид ва ирқчилик душманларига нисбатан қаттиқ репрессия чоралари кўрилаётганлигидан, Жанубий Африка Республикасидаги студентлар ташкилоти, миллий ташкилотлар ва бошқа оммавий ташкилотларнинг намояндалари таъқиб этилаётганлигидан жиддий ташвиш изҳор қилинган.

Махсус сиёсий комитет Жанубий Африка халқининг аппартеидни тамомила тугатиш ва Африка жанубидаги тўб аҳолининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга ошириш учун олиб бораётган кураши қонуний кураш эканлигини яна бир марта таъкидлади.

ПАРЛАМЕНТ МАЖЛИСИ

◆ БАЙРУТ, 22 октябрь. (ТАСС). Бу ерда бутун мамлакатни эгаллаган чуқур сиёсий кризис ва тўхтамаётган қуролли тўқнашувлар вазиятида Ливан парламентининг мажлиси бўлди. Парламентнинг ҳозирги раиси К. ал-Асаад янги муҳлатга қайта сайланди.

Мажлисда сўзга чиққан бош министр Р. Караме ўз кабинетини кризис даврида президент тайинланганлигини ва бугунги кунда Ливанда вужудга келган вазият учун масъулиятли эмаслигини айтди. Шу йил Байрутда тўртинчи марта бўлган қуролли тўқнашувлар оқибатида мамлакатга жуда катта моддий ва маънавий заарар етди, деди у. Лекин биз ҳаммамиз шу тўқнашувларнинг сабаблари ва оқибатларидан борлиғини ва унга ойлаб ва йиллаб тайёргарлик кўрилганлигини биламиз, деб таъкидлади Караме.

Парламент раиси К. ал-Асаад мамлакатда тартиб ва қонунлар тезроқ тикланишига даъват этди. Шундан кейингина ҳозирги конституцияга тузатишлар киритиш, давлат системасини ислоҳ этиш ва сайлов қонунларини ўзгартириш масалаларини муҳокама қилишга киришиш мумкин бўлади, деди у.

Г. КИССИНЖЕР ПЕКИНДА

ВАШИНГТОН, 22 октябрь. (ТАСС). Америка матбуоти АҚШ давлат секретари Г. Киссинжер Мао Цзе-Дун билан учрашганлигини хабар қилди. Г. Киссинжер музокараларнинг тафсилотларини матбуот вакилларига айтишни рад қилган, учрашув «самарали» бўлди, дейиш билангина чекланган.

Америка информация агентликларининг Г. Киссинжерга ҳамроҳ кишиларга суяниб хабар беришича, Мао Цзэ-дун учрашув чоғида халқаро кескинликни юмшатиш сиёсатини таҳдид қилган, Совет Иттифоқига айниқса хуруж қилиб, уни «агрессив давлат» деб таснифлаган ва кескинликнинг юмшаши «АҚШга ҳеч бир яхшилик келтирмайди», деган.

Г. Киссинжер Дэн Сяопин билан ҳам учрашган. Америка манбаларида айтилишича, халқаро масалалар юзасидан музокаралар ўтказилган, шу жумладан, Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш тўғрисида гап борган. Г. Киссинжер ҳамроҳларининг айтишича, Хитой томони Хельсинкида имзоланган якунловчи ҳужжатнинг аҳамиятини «ҳеч бир тушунмаган».

Шу муносабат билан «Нью-Йорк таймс» газетаси ёзадики, «Хитойлар халқаро аяжумларда кескинлик юмшашини неча бор танқид қилган бўлсаларда, халқаро кескинлик юмшашига конкрет ошкора хуруж қилмоқ учун Г. Киссинжернинг ХХРга визитидан ҳали ҳеч қачон фойдаланмагандилар».

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 30 йиллигига

ТИНЧЛИК ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ҚУРОЛИ

Ҳар куни эрталаб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдида миллий байроқлар кўтарилади. Байроқларнинг алфавит тартибида жойлашиши бу йирик халқаро ташкилот сафларида биринчи ва иккинчи даражали аъзолар йўқлигидан, балки БМТга аъзо бўлган барча давлатлар тинчлик, ҳавфсизлик, тенглик, ҳамкорлик учун баравар масъулиятга эга эканлигидан далолат бериб турибди.

Мана 30 йилдирки, байроқларни кўтариш маросими ҳар йили, ҳар куни такрорланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бундан 30 йил муқаддам, 1945 йилнинг 24 октябрида тузилган, унинг Устави эса беш буюк давлат СССР, АҚШ, Англия, Франция, Хитой томонидан тасдиқланган эди. Ҳозирги кунда Ист-ривер соҳилидаги улкан ойнаванд бино олдида ўқилираб турган ранг-баранг байроқлар 142 та. Бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар сонини билдиради. Шулардан тўртласи — Мозамбик Халқ Республикаси, Сан-Томе ва Принсипи Демократик Республикаси, Яшил Бурун ороли Республикаси ва Папуа-Янги Гвинея БМТга яқиндагина, Бош Ассамблеянинг навбатдаги XXX сессияси иш бошлаганида аъзо сифатида қабул қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган давлатлар сони ҳозирги кунда ер юзида мавжуд бўлган мустақил давлатлар сонидан сал кам холос. Уларнинг сони борган сари кўпайиб бормоқда.

Бу йил Гитлер фашизми ва япон милитаризми тормор келтирилганлигининг ва БМТнинг 30 йиллиги нишонланди. Бу тасодиф эмас. Чунки БМТ Буюк Ғалаба туфайли тузилган эди. У халқларга жаҳон урушлари такрорланмаслиги учун керак. «Бирлашган миллатлар» ибораси фашистлар агрессиясининг айни қизиғин пайтида, 1942 йилнинг 1 январида ҳаётга йўлланма олди. Вашингтон декларациясига имзо чекган 26 давлат гитлеризми тор-мор келтириш учун ўз кучларини дямасликка қасамёд қилдилар. Бўлажак ташкилотнинг принциплари ва мақсадлари уруш йилларида ўтказилган қатор конференцияларда, шу жумладан Москва ва Ялта конференцияларида ишлаб чиқилган эди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тикланиш жараёни ҳамиша ҳам бир текис боргани йўқ. «Совуқ уруш» муносабатлари авж олган йилларда агрессия ва реакция кучлари бу ташкилотдан халқлар манфаатларига зид мақсадларда фойдаланмоқчи бўлдилар. Бироқ улар БМТни ўз қуролларига айлантира олмадилар. Халқаро ташкилот давр синовидан ўтди.

Орадан ўтган 30 йил ичида планетамизда катта ўзгаришлар юз берди. «Совуқ уруш» ўтмиш сарқити бўлиб қолди, халқаро кескинликни юмшатиш жараёни кўпгина ижобий натижалар берди. Бу жараёнга Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар, барча прогрессив, тинчликсевар кучлар катта куч-ғайрат билан кўмаклашмоқдалар. Ҳозирги халқаро вазиятнинг асосий белгиси шундан иборатки, кескинликнинг юмшаши борган сари кенг қулоч ёймоқда, аниқ мазмун билан тўлдирилмоқда. Бу жараён давлатлар ўртасидаги қатор битимларда ўз ифодасини топмоқда. Улар орасида Совет—Америка битимлари алоҳида ўрин тутади. Бу битимлар икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишидагина муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмай, умуман, жаҳондаги вазиятга яхши таъсир кўрсатмоқда.

Кескинликнинг юмшаши жараёнидаги муҳим воқеалардан бири Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг муваффақиятли якунланиши бўлди. Мазкур кенгашнинг тажрибаси халқаро проблемаларни ҳал қилишда, шу жумладан БМТ доирасида ҳам кенг қўлланиши лозим. Ер юзида вужудга келган янги вазият, давлатлар ўртасида тинч-тотув яшаш принципларининг амалга оширилиши халқлар ўртасидаги ишонч руҳини мустаҳкамлайди. Бу нарса БМТ фаолияти мисолида яққол кўзга ташланади. Ҳозир БМТда ғааро маъқул қарорлар чиқариш йўлини қидириш, ижобий мулоқотлар олиб бориш асосий ўринни эгалламоқда. Кўпгина ҳолларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги империалистик кучлар мудофаа позицияларига ўтишга мажбур бўлмоқдалар. Эндиликда улар ўз шартларини социалистик ва ривожланаётган давлатларга ўтказишга қодир эмаслар.

Албатта, мустамлакачилар, агрессорлар ва ҳар хил топфадан реакционерлар жангсиз таслим бўлишни хоҳламайдилар. Улар Вьетнам Демократик Республикаси ва Жанубий Вьетнам Республикасининг БМТга қабул қилинишига қаршилик кўрсатмоқдалар. Ўзларининг тор доираларида, БМТни четлаб ўтиб, Яқин Шарқ ва Кипр танглигини «тинчитмоқчи» бўляптилар. Тенглик ва ўзаро фойда принциплари асосига қурилган халқаро иқтисодий муносабатлар ўрнатилишига тўсқинлик қилмоқдалар. Бу лагерда асосий ўринни халқаро кескинликни кучайтиришга уринаётган маочилар эгаллайди. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилотида тинчликни мустаҳкамлашга, ядро хавфини тугатишга, қуролсизланиш проблемаларини ҳал қилишга қаратилган Совет Иттифоқининг ҳар қандай ташаббусига қўтириб ҳужум қилмоқдалар.

Лекин қора кучлар ҳар қанча уринмасинлар жаҳон жамоатчилиги уларга қатъий зарба бермоқда. Мустамлакачилик ва ирқчилик қолдиқларининг тугатилишида, Исроил агрессиясининг қурбонлари — Фаластин ва бошқа араб халқларининг миллий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, ривожланаётган мамлакатлардаги чет эл монополияларининг ҳукмронлигига чек қўйишда БМТнинг ҳиссаси катта бўлди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳар бир сессиясида Совет Иттифоқининг янги ташаббус билан чиқиши одат тусига кириб қолди. Бу йил ҳам Бош Ассамблеянинг сессияси очилишидан бир неча кун олдин СССР унинг кун тартибига муҳим масала сифатида «Ядро қуроли синовларини тўла ва батамом тақиқлаш тўғрисида шартнома тузиш ҳақида» таклиф киритди. Советлар мамлакатининг бу тинчлик ташаббуси халқаро жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Уни БМТ доирасида ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан кутиб олишди. Чунки, ҳозирги пайтда ялпи қирғин қуролларини такомиллаштириш учун ҳаддан ташқари кўп маблағ сарфланмоқда. Совет таклифининг амалга оширилиши эса бу маблағлардан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, тинчлик ва қуролсизланиш йўлида кенг имкониятлар очиб берган бўлур эди.

Жаҳон халқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юбилейини нишонлай туриб, унинг ҳозирги вазифаларини, ер юзидаги ҳамма тинчлик ва қуролсизланиш ҳақида ҳаётий проблемаларини ҳал қилишда ўзаро ҳамкорлик ва ишончли ҳамкорлик ўрнатилишини, ер юзида ҳеч бир ҳарбий можаро бўлмаслигини, ер юзидаги барча ишлар ҳеч бир ҳарбий можаро бўлмаслигини, ер юзидаги барча ишлар ҳеч бир ҳарбий можаро бўлмаслигини ва

АХБОРОТ
ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР

НАМАНГАН

Педагогика жамияти

Янги жамият кишисини шакллантиришда педагогик билимларни тарғиб қилиш муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли область халқ маорифининг ташаббуси билан педагогика жамияти тузилди. Жамият атрофига уюшган тажрибали ўқитувчилар, олимлар кучи билан ота-оналар, мактабларнинг ўқувчилари, студентлар, колхоз аъзолари, совхозлар ҳамда фабрика ва заводларнинг ишчилари ўртасида турли мавзуларда суҳбат ва лекциялар ўтказилмоқда.

Бўёқлар жилоси

Натюрморт-рассомчилик санъатининг кенг тарқалган жанрларидан бири. Унда кўплаб машҳур мўйқалам усталари ажойиб асарлар яратишган. Яқинда Намангандаги маданият саройида Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги бадиий кўргазмалар дирекциясининг «Натюрморт» мавзудаги кўчма кўргазмаси намойиш этилди.

Кўргазмага таниқли мўйқалам усталаридан Р. Аҳмедов, З. Ковалевская, Н. Қашина, ва бошқаларнинг асарлари қўйилган.

Тарих кўрган тангалар

Наманган шаҳридаги ўлкани ўрганиш музейи кўргазмаларининг бойлиги билан киши эътиборини тортади. Яқинда музей залларида яна бир бўлим-нумизматика бўлими ташкил этилди. Янги бўлимга эрамизнинг биринчи асридан тортиб то шу кунгача бўлган даврмобайнида турли мамлакатлар ва элатларда зарб этилган танга пуллар қўйилган. Улар ичида сомонийлар, темурийлар, Бухоро амирлиги вақтида, шунингдек, Италия, Америка, Мўғулистон, Венгрия, Польша, Чехословакия ва бошқа давлатларда муомалада бўлган ноёб тангалар бор.

«Лола» кинотеатри

Кун сайин янги жамол касб этаётган тўқимачилар шаҳарчасининг аҳолиси яна бир қулайликка эга бўлди. Шаҳарчанинг 2-микрорайонида 400 ўринли кенг экранли «Лола» кинотеатри фойдаланишга топширилди. Кинотеатр Тошкентдаги «Гипрокино» лойиҳа институти ходимлари тайёрлаган чизма асосида бунёд этилди.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



Фотомухбиримиз И. Глауберзон Тошкент метроси қурилишларида бўлиб, бир неча суратлар олиб қайтди. Уларда КПСС XXV съезди олди зарбдор вахтасида меҳнат қилаётган метросозларнинг фидокорона меҳнати акс этттирилган. Суратларда: (юқоридан) 1. «Чилонзор» бекати платформасини тайёрлашда жонбозлик кўрсатаётган монтажчи йигит Аҳмад Жалилов; 2. Бекат қурилиши бир қисмининг кўриниши; 3. «Чилонзор» ва «Ҳамза» бекатларининг қўшилиш жойи.

АХЛОҚ-ОДОБ МАВЗУИДА

ЛОҚАЙДЛИК—ИЛЛАТ

Партиямиз кадрларни тантанабозликка, манманликка, хотиржамликка қарши курраш олиб бориш, хатони ошкоро эътироф этиш ва ўз вақтида тузатиш, муваффақиятларга ҳам, камчиликларга ҳам холисона баҳо бериш руҳида тарбияламоқда. Бунинг самаралари, яъни умумий ишга манфаатини ҳаёт кўрсатиб турибди.

Аммо нуқсонлардан кўз юмиб юрадиган, камчиликларни очиб ташлаш ва иллатларни ўз вақтида «даволаш»да принципиаллик кўрсатмайдиган ходимлар учрайди. Улар муваффақиятларга маҳлиё бўлиб кетиб, мағрурланиш ва хотиржамлик кайфиятига бериладилар, айрим ношуд раҳбарларнинг яроқсиз услуб ва методларини танқид қилишга жўръат этишмайди. Ўзларини ҳеч нарса билмаган ва кўрмаган киёфага солиб, индамасдан юришади. Табиийки, бу ҳол хато ва камчиликларнинг газак олишига, иллатларнинг илдиз отишига сабаб бўлади. Бундай фактлар оз дейсизми.

Хива район партия комитетининг кейинги пленумида танқид ва ўз-ўзини танқиднинг аҳволи кенг, чуқур таҳлил этилди. Район партия комитетининг собиқ биринчи секретари Қ. Раҳмоновнинг партия ходимига номуносиб қатти-ҳаракатлари, нотўғри иш услуби кескин танқид қилинди. Шу билан бирга, пленум қатнашчилари ўртага ҳақли савол ташладилар: Қ. Раҳмонов фаолиятидаги хато ва нуқсонлар нега ўз вақтида очиб ташланмади? Райкомнинг бюро аъзолари, биринчи навбатда райком секретарлари, А. Саъдуллаев, Ш. Шарипова, район ижроия комитетининг раиси А. Мадримов ўртоқлар ўша вақтда нега принципсизлик қилдилар? Пленум райком секретари А. Саъдуллаевни вазифасидан озод қилди. Райком секретари Ш. Шарипова, район ижроия комитети раиси А. Мадримов ва бошқа бюро аъзоларийнг партиявий раҳбарлик принципларини бузилишига нисбатан муросачилик йўлини тутганликлари қаттиқ қораланди.

Бу фактларнинг хулосаси равшан. Райкомнинг айрим масъул ходимлари «Раҳбарми, билганини қилаверсин, ўзи жавоб беради, бунинг менга даҳли йўқ» деган андиша билан аралашмаслик йўлини тутганлар. Натижада Раҳмонов кибрланиб кетган, жиддий хато ва суиистеъмоллар қилишгача бориб етган. Ахир, КПСС уставига кўра, камчиликларни дадиллик билан очиб ташлаш, партия ва давлат манфаатига зид ҳаракатлар тўғрисида юқори партия органларига қадар хабар қилиш ҳар бир коммунистнинг бурчи-ку. Коммунист, раҳбар ходим, онгли совет кишиси фақат ўзи учун эмас, балки ўзи билан бирга ишлаётган кишилар учун ҳам жавоб беришини унутмаслиги керак. «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган шиорнинг мазмуни ҳам шу.

Яна бир мисол. Қўшкўпир район халқ маорифи бўлими мудири Р. Жуманиёзов раҳбарлик ишида зарур малака ва тажрибага эга бўлса ҳам, танқидни ёқтирмайди, камчиликларни хаспўшлаб ўтишга ҳаракат қилади. Районда чиқадиган «Мўл ҳосил учун» газетасининг 1975 йил 3 июль сонида «Ажабтовур педсовет ёхуд нуқсонлар қарорлар» сарлавҳали танқидий мақола босилиб, район халқ маорифи бўлимига текшириш учун юборилди. Мақолада Бируний номли мактабда педагогика кенгашлари юзаки ўтиши, мактаб директори Е. Ҳусайновнинг 16-синф бўйруғи бўйича А. Пирнафасова мактаб хотин-қизлар Совети раислигидан бўшатилиши мавжуд Низомга хилоф эканлиги кўрсатилган эди. Ҳақиқатан ҳам сайлаб қўйилган киши директорнинг бўйруғи билан жамоат ишидан четлатилмайди-ку. Афсуски, район халқ маорифи бўлими мудири Р. Жуманиёзов ҳаққоний танқидга бефарқ қаради, газета сигналига жавоб бермади. Унга редакция икки марта эслатма ҳат ёзган. Барибир, мудир сукут сақламоқда.

Танқидий мулоҳазаларга, ҳаққали талаб" ва эътирозларга бефарқ қараш, камчиликларга нисбатан муросасозлик ҳақида гап борганида, Қўшкўпир район матлубот жамияти правлениеси раиси Р. Ҳайитбоевнинг номини тилга олиш ўринлидир. У район газетасида босилган «Бузуқ вентилятор», «Савдо шохобчаларини текширганда» ва «Эътиборсизлик қачонгача?» деган танқидий материалларга ойлаб жавоб бермаётир. «Сукут аломати—ризо» деганларидек, Р. Ҳайитбоев балки нуқсонларни эътироф қилар. Бу билан камчилик йўқолмайдику. Биз раисни камчиликларга ҳайрихоҳ демоқчи эмасмиз. Лекин бу бобда бетарафлик ҳам яхши эмасда.

Бепарволик ва лоқайдликнинг умумий ишга зарари тўғрисида яна бир характерли фактни келтириб ўтамиз. Гурлан районига қарашли Янгибозор матлубот жамиятининг бош бухгалтери, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Х. Нуруллаев қаҳқоний сигнал учун таъқибга учради. У район матлубот жамияти раиси О. Мадаминовнинг мансабини суиистеъмол қилиб, совет савдоси принципини бузишга йўл очиб бераётганлиги ҳақида область матлубот жамияти правлениесига, тергов органларига ёзма равишда хабар қилди. О. Мадаминов эса тўнини тескари кийиб, тўғри сигнал учун ўч олиш йўлига ўтди. Қонуний меҳнат отпускасидан қайтган Х. Нуруллаевни ойлаб ишсиз қолдирди. Область матлубот жамияти правлениеси раҳбарлари ўша вақтда О. Мадаминовнинг ёнини олиб, айбсиз айбдор Х. Нуруллаевни бошқа ишга жўнатиб қўяқолишди. Кейинги вақтда О. Мадаминовнинг кирдикорлари фош қилиниб, матлубот жамияти раислигидан четлаштирилди. Шундан кейингина Х. Нуруллаев аввалги ўрнига ишга қайтиб келди. Ҳақ ўз ўрнида қарор топгунча анча саргардонлик рўй берди, хатони очиб бергани учун соф виждонли ходим азиятлар чекди.

Бунга ўхшаш фактларга эътиборсиз қараб бўлмайди, албатта. Бизнингча, бирон нуқсонни сезса ҳам индамай юриш, хатонинг олдини олишга кўмаклашмаслик —бировни нотўғри йўлга, жиноят гирдобига итариш деган гап. Бу—дўстнинг иши эмас. Адашган одамнинг боши берк кўчага кириб боришини бемайлихотир томоша қилиб туриш ўринга, уни тўғри йўлга солиб юбориш ҳақиқий инсоннинг бурчи-ку.

Турмушда ҳар хил фактлар учрайди. Бировнинг чўнтагига эғри қўл оралади, безори жамоат тартибини бузди, кўчада водопровод суви бекорга оқиб ётибди, электр сими узилган...

Бундай фактлардан кўз юмиб ўтиш инсофдан эмас. Бу вақтдаги лоқайдликдан фалокат келиб чиқишини эсда тутиш керак.

Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси ижтимоий бурчни юксак даражада англашни, жамият манфаатларини бузишларга нисбатан муросасиз бўлишни тақозо этади. Бунинг маъноси шуки, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришимиз, лоқайдликка, масъулиятсизликка қатъий барҳам беришимиз зарур.

Катта ишда баъзан нуқсон ва хато юз беришини истисно қилиб бўлмайди. Гап-хатони англаб олиш ва тузатишда, собит қадамлик билан олға боришдадир. Шундагина ишларимиз юришиб кетади, олдимизда турган улкан вазифалар муваффақиятли бажарилади.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

САНГАРДАКДА ОЛТИН КУЗ.
В. Воҳидов фотоэтюди.

ИЗЛАНИШ ВА ТАДҚИҚОТЛАР

ТУҒОННИНГ «АҲВОЛИНИ» КУЗАТИБ ТУРИШ УЧУН

Норак ГЭСи тўғонининг ичкарисидан кузатиш галереяси қуриб битказилди. Вахшнинг бир соҳилидан иккинчи соҳилигача чўзилган бу иншоот 400 метрлик тоннеллдан иборат. Галерея тўғоннинг «хулқини» кузатиб туришга мўлжалланган. Бу тўғон мамлакатда биринчи марта темир бетондан эмас, табиий материал —тош, шағал ва қумоқ тупроқдан қурилмоқда. Галереяда назорат қилувчи ўлчов аппаратлари, зилзила шароитларида тўғоннинг чеғоғлик чўкишини қайд этувчи сейсмик приёмниклар монтаж қилинади. (ГЭС юксак сейсмик зонага қурилянти) Тўғон ичкарисида бунақанги галереялар учта бўлади.

(ТАСС мухбири).
Норак, Тожикистон ССР.

Автомобиль транспорти корхоналарида

Волга автомобиль заводининг Чилонзордаги автомобилларга техника хизмати кўрсатиш ва аҳолига сотиш билан шуғулланадиган маркази Ўрта Осиёда ягона ҳисобланади. Бу ерга келтириладиган машиналарнинг кўпи шикастланган бўлади. Аммо, қайтиб чиқаётганида уларни янгиларидан фарқлаш қийин. Эгалари ҳам янги машина сотиб олгандай хурсанд бўлишади.

Марказнинг асосий ремонт ишлари бажариладиган кенг, ёруғ ва шинам цехидамиз. Бу ерда кўплаб машиналар турибди. Коржома кийган ишчилар уларни созлашяпти.

«Касал» машиналар аввало қабул бюросида текширилади. Бюронинг «ақлли» аппаратлари машинага бехато диагноз қўяди. Диагностика асбобларини мастер Абдуборий Мусаев бошқаради. У икки йил муқаддам автомобиль транспорти инженери дипломини олган эди. Абдуборий ёш бўлса ҳам марказдаги обрўли мутахассислардан ҳисобланади.

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ

Марказда асосан ёшлар меҳнат қилишади. Уларнинг аксарияти яқиндагина ўрта мактабни битирган ёки армия сафидан қайтган. Шу сабабли маъмурият ишчи ва техникларнинг малакасини ошириб боришга алоҳида эътибор беряпти. Бу иш мураббийлик ҳаракатини кучайтириш, махсус курсларда ўқитиш орқали амалга оширяпти. Бундан ташқари ишчиларнинг малакасини оширишда уларни автомобиль заводларига юбориб, илғор ишлаб чиқариш технологияси ва тажрибаларни ўргатиш ҳам яхши самара беряпти. Яқинда ўн беш нафар ишчи Тольяттидаги «Жигули» заводига бориб, ҳамкасбларининг тажрибаларидан бахраманд бўлиб қайтишди.

Маҳмуд Зокиров билан Ҳакимжон Қодировлар шина монтаж қилиш участкасига ишга келишганига кўп вақт бўлгани йўқ. Улар бу ерда вульканизаторлик касбини ўрганишди. Ҳозир улар ўз ҳунарларини ишга янги келган Абдусамад Мирзараҳимовга ўргатишяпти.

Ҳамидулла Собиржонов—цехнинг тажрибали ишчиларидан бири. Марказ ишга тушган дастлабки кунлардан бери ишлаётгани, ишбилармонлиги, ёшларга устозлиги сабабли ҳамкасблари уни ҳурмат қилишади. Ҳамидулла раҳбарлик қилаётган машиналарни бўяш участкаси планларни муттасил ошириб бажаряпти.

Ишчиларнинг малакаси ўсган сари, улар асбоб-ускуналарни янада такомиллаштириш йўлларини излашяпти. Рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатида фаол қатнашишяпти. Техника ижодкорлари бу йил ремонт жараёнларини тезлаштириш, сермеҳнат ишларни механизациялаш имконини берувчи кўплаб таклифларни ишлаб чиқаришга жорий этишди. Рационализаторларнинг таклифлари уч минг сўмга яқин иқтисодий самара берди.

— Волга автомобиль заводининг Тошкентдаги автомобилларга хизмат кўрсатиш маркази ҳар йили ўн уч минг автомобилга хизмат кўрсатиши ва аҳолига беш минг автомобиль сотиши керак, — дейди марказ директори Т. Қосимов. —Биз бу топшириқни ошириб бажаряпмиз. Ўтган йили ўн уч ярим минг автомашинага хизмат кўрсатдик. Тўққизинчи беш йиллиикнинг якунловчи йилидаги ишларимиз ҳам чакки эмас. Тўққиз ойда ўн мингдан зиёд машинага хизмат кўрсатдик.

Марказ ва унинг областлардаги станциялари ишчилари, инженер-техник ходимлари шу кунларда барча куч ва имкониятларини автомобилларга намунали техника хизмати кўрсатишга қаратишмоқда.

Х. ТЎХТАБОЕВ,
А. НИЁЗОВ.
Тошкент шаҳри.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ШУНДАЙ ХИЗМАТ ҚИЛИШМОҚДА

МИНА БИЛАН ОЛИШУВ

...Қоронғи тун. Енгил шабададан денгиз сатҳи жилваланиб турибди. Прожекторнинг ёркин нури узоқ-узоқларни ёритади. Моторлар бир меъёрда ишламоқда.

Бирдан енгил шабада шамолга айланди. Дақиқа сайин кучайиб, кўп ўтмай денгизда шторм кўтарилди.

— Кузатиш сектори кучайтирилсин. Кема шторм га тайёрлансин! — буюрди командир.

Рулни бошқараётган матроснинг кучли қўллари кемаанинг белгиланган курсдан сузишини таъминламоқда. Вахтадагилар хизматни ҳушёрлик билан давом эттиришяпти. Кема тўлқинлар зарбидан титраади.

— Олдинда, ўнг томонда номаълум нарса! — кузатувчининг бўғиқ овози эшитилди.

— Мина!.. — Чапга бурилсин! — деган команда янгради.

Кема чап томонга кескин оғди. Кўпикли тўлқинлар кема палубасига шиддат билан урилади. Уруш йилларида денгизга ташланган мина шторм натижасида денгиз тубидан кўтарилган эди. У кемага яқин келиб қолди. Яна бир дақиқа ўтса борми, кема бортига урилади-ю...

Шу ҳал қилувчи дақиқада иккинчи статья старшина Жалол Ғиёсов ўзини тўлқинлар ичига отди. Унинг бутун фикри-ҳаёли минанинг кемага урилишига йўл қўймаслиқда эди. Ўлим билан олишув бир неча дақиқа давом этди, ҳолос. Бу олишув жасур йигитнинг галабаси билан тугади. Кема хавфдан узоқлашди, 30 йилдан ортиқ вақтдан буён ўлим келтирувчи зарядни сақлаб юрган мина ортда қолди.

Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозидан флотга келиб ҳизмат қилаётган денгизчини кўп ўтмай кемага чиқариб олишди. Ҳамма енгил нафас олди.

— Ҳар ким жой-жойига турсин! Тўла тезликда олға!— командирнинг овози тўлқинлар шовқини оша эшитилди.

Одамлар иродасига итоаткор ҳарбий кема ўз йўлини давом эттирди.

А. СТАРИЧКОВ,
капитан-лейтенант, Қизил байроқли Қора денгиз флоти.

ҚАТРА ҲАЖВЛАР

«ОҚ ЙЎЛ»

Ухлаб қолди шоир Вулқон
Кечки овқат емасдан.
Кун узоғи қилган ишдан
Хотинига демасдан.

Хотин ўйлар: «Кўп ишлабди.
Кеча «Оқ йўл» олгандиди».

Шоирдинг Вулқон бугун
«Оқ йўл» ёзиб толгандиди.

ТАШАББУС

— «Пишт» деёлмас ҳеч ким,
қаранг,
Нурмаматнинг мушукчасин.
Ишга келмас, ёвда юрар,
Енларида кучукчаси,
Гоҳ-гоҳида келиб қолар,
Иш тугамай жилиб қолар,
Жон ўртоғи кўрмоқ бўлса,
Кетганини билиб қолар.
Барчасига майлику-я,
Ҳаводаку фақат бурун!
— Чунки, чиқиб ташаббус-ла
Ном қозонди ўн йил бурун!

Юсуф БЕРДИЕВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
27 ОКТЯБРЬ КЕЧ СОАТ 7 ЯРИМДА
БУТУНИТТИФОҚ «ОКТЯБРЬ 40 ЙИЛЛИГИ» ВА БАДИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР ҚУРИГИНИНГ ЛАУРЕАТИ
«ШОДЛИК» АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ ВА ЁШЛАР «ГУЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КУРСАТГАН АРТИСТ ВА ҚҚАССР ХАЛҚ АРТИСТИ
ГУЛШОД ОТАБОЕВА
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ВИЛОЯТ ОҚИЛОВА.
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ДИЛБАР ФАЕЗОВА.
Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати КАРИМА УЗОҚОВА.
Солистлар: ШЕРАЛИ ЖУРАЕВ, ДИЛОРОМ ҚАЮМОВА, ХОТАМ ҲОЖИЕВ, НОДИРА АҲМЕДОВА, АБДУҚОДИР ЮСУПОВ, АБДУРАШИД МУСТАФОҚУЛОВ, ҲАСАН КАРИМОВ, АЗИЗА ТУЛАГАНОВА, ХАЙРИДДИН ФАЕЗОВ ва бошқалар.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛГУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.
Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист САЛОҲИДДИН ТУХТАСИНОВ.
Программани — ЗУҲРА ТЕМИРОВА олиб боради.
Билетлар Ҳамза номидаги театр кассасида ҳар куни кундуз соат 2 дан сотилади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎРТА ОСИЁ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (САИМЭ) вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Пахта ҳосилини йиғиштириш жараёнларини механизациялаш бўлими бошлиғи;
лаборатория бошлиқлари: тупроқни экишгача қайта ишлаш механизацияси, ёвойи ўтларга қарши кураш механизацияси, уруғлик пахтани териш механизацияси, пахта теришнинг янги жараёнларини ишлаб чиқиш, ингичка толали пахта териш механизацияси, далани тайёрлаш ва тозалаш механизацияси, экспериментларни планлаштириш;
лабораториялар технологиясининг нўшма операциялари ва пахта териш машиналарини такомиллаштириш сектори раҳбари;
бўлимларнинг катта ва кичик илмий ходимлари: патентли экспертиза ва ахборотлар, тупроқни қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалик экиларини парваришлаш механизацияси (2 ўрин), пахта ҳосилини йиғиштириш жараёнлари механизацияси (11), машиналар, машина-трактор парклари эксплуатацияси ва энергетика системаларини ишлаб чиқиш (4), механизациялашган жараёнлар ва агрофизикохимиявий тадқиқотлар учун агротехникани ишлаб чиқиш (бир катта илмий ходим — қишлоқ хўжалик фанлари кандидати ёки катта илмий-ишлаб чиқариш иш тажрибаси бўлган мутахассис), ўтлар, сабзавотлар, донли ва дуккакли экиларни парвариш қилиш ва йиғиштириб олиш механизацияси (3), техник ўлчовлар, кино суратига олиш ва экспериментларни планлаштириш (2), юк ортиш ва тушириш ҳамда транспорт ишлари механизацияси лабораториялари.
Конкурсда техника фанлари докторлари ёки кандидатлари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаштириш соҳасида катта иш тажрибаси орттирган мутахассислар қатнашишлари мумкин.
КОНКУРС МУДДАТИ — 7 ноябрга.
Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 702841, Тошкент области, Янгийўл шаҳри, «Кирда» алоқа бўлими.

Телевидение

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.15 — ТОШКЕНТ. 18.20 — Мультфильм. 18.35 — КПСС XXV съезди шарафига. 18.55 — Хотин-қизлар, сизлар учун. 19.55 — «Ахборот». 20.10 — Ўн минут музика. 20.20 — «Ахборот». 20.40 — Пахтазор — мардлар майдони. 21.00 — Концерт. 21.40 — МОСКВА. Жаҳон хотин-қизлар конгрессининг якунловчи мажлиси. 24.00 — «Вақт». **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 13.00— Кузноқ сеҳргарлик (бадиий фильм). 18.15 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — 1975 йил қўшиқлари. 19.40 — Телефильм. 19.55 — «13 стул» (телеминиатюралар). 20.55 — Спорт программаси. 21.40 — ТОШКЕНТ. «Фан» программаси. 22.10 — «Бўстон». **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Кинофильм. 20.40 — Тошкент ва тошкентликлар. 21.10 — Тошкент янгиликлари. 21.25 — Уйимиз шу ерда (бадиий фильмнинг 1-2 сериялари).

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/Х да Қароқчилар, 25/Х да Олтин девор, 26/Х да Парвона.
МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/Х да Сув келтирган азиз, 25/Х да Жоним фидо, 26/Х да Жон қизлар, 27/Х да Ҳикмат.
ШАПИТО ЦИРКИДА — МОСКВА ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (19.00).

Кино

Шаҳарда икки иши — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).
Хусумат — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).
Аломат қиз — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).
Хато бўлиши мумкин эмас— «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).
Жиноятчи ва унинг иши — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).
Сўнгги ўқ; Қопқон — «МОСКВА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).
Завқли саёҳат — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

●

МИНИСТРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР ВА ҲАММА МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА

ТОШКЕНТ «ЭТАЛОН» ТАЖРИБА ЗАВОДИ 1976 ЙИЛДА

оғирлик ўлчови, радио ўлчови, электр ўлчови, теплотехника, механика, босим ўлчови асбоблари ва мой-бензин тарқатадиган колонкаларни тузатиш ҳамда торозиларни монтаж қилиб бериш учун

ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

ШАРТНОМАЛАР — 1 декабргача тузилади.
Шартномасиз ишлар заводнинг 1976 йилги планига киритилмайди.

ШАРТНОМАЛАРНИ ЗАВОДДА ВА УНИНГ ҚУЙИДАГИ ФИЛИАЛЛАРИДА ТУЗИШ МУМКИН:

Тошкент шаҳар, Горбунов кўчаси, 1«а»-уй, Телефон: 66-10-13.
Андижон шаҳар, Бозор кўчаси, 4-уй. Телефон: 28-93.
Нукус шаҳар, М. Горький кўчаси, 1-уй. Телефон: 24-63.
Фарғона шаҳар, Р. Қосимова кўчаси, 11-уй. Телефон: 4-41-12.
Самарқанд шаҳар, Шаумян кўчаси, 82-уй. Телефон: 3-01-81.
Гулистон шаҳар, Короленко кўчаси, 11-уй. Телефон: 23-11.
Ленинобод шаҳар, Ленинградская кўчаси, 3-уй. Телефон: 6-33-22.
Янгийўл шаҳар, Марказий бозор. Телефон: 37-44.

Ўзбекистон энергетика ва автоматика илмий-тадқиқот институти институт илмий котиби, техника фанлари номзоди Ш. Ш. Зоҳидова онаси Қумрихон АҲМЕДОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
БИЗНИНГ АДРЕС 700.000 ГСП Тошкент «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР
Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.
Р. 02740.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
ИНДЕКС 64583.
Б. — 249.